Испокон веков Великий шелковый путь играл важнейшую роль. Он был своего рода мостом между Западом и Востоком, способствовал диалогу между цивилизациями, народами и государствами. Это была объективная потребность времени и мирового развития. И в начале XXI в. этот опыт бесценен для многих стран, прежде всего молодых государств Центральноазиатского региона. Развитие транспортных артерий приобретает для них жизненно важное значение. Только совместные действия всех стран, заинтересованных в осуществлении проектов возрождения ВШП, могут привести к действенному результату.

КЎП ТОМОНЛАМА ДИПЛОМАТИЯ: УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАКЛЛАНИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳ.А.НУРУТДИНОВ,
«Сиёсий маркетинг» кафедрасининг катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси мустақил мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятига фаол қўшилиб бормоқда. Ўзбекистоннинг дунёдаги энг нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлиши ва уларнинг тадбирларидаги иштироки, ташаббуслари бунинг далилидир. Умуман олганда, курраи заминда юз бераётган ранг-баранг воқеа-ҳодиса ва муаммолар халқларни, давлатларни бир тизимга, яъни минтақавий ҳамда халқаро ташкилотлар орқали боғланиб ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг илк дамлариданоқ кўп томонлама дипломатиядан кенг фойдалана бошлади. Ушбу дипломатиянинг ижобий томони шундаки, унинг имконият даражалари жуда чексиздир. Мазкур дипломатия Марказий Осиё давлатларининг турли минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этиши, шунингдек, жаҳон миқёсида юз бераётган глобаллашув жараёнларининг мураккаб талабларига бардош бериши ҳамда унга осонлик билан кириб боришига имконият яратади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан олға сурилган "Туркистон – умумий уйимиз" ғояси, "Буюк Ипак йўли" ни тиклаш ташаббуслари ва бошқа кўпгина ижтимоий-сиёсий тадбирларни келтириш жоиздир. Шунингдек, 2001 йил 28 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон раҳбарларининг Саммитида И.А.Каримовнинг Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини "Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти"га айлантириш таклифини ўртага ташлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Яъни, Президентимиз ўртага ташлаган "минтақавийликдан глобалликка" шиори яна бир бор ўз тасдиғини топди. Умуман, мазкур дипломатия давлатлар ўртасида узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка мустаҳкам замин ҳозирлаш билан бирга, барқарорлик ва хавфсизлик учун мустаҳкам негиз яратиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон кўп томонлама дипломатиясининг шаклланишига оид бир қанча мисолларни келтириш мумкин ва ўринлидир. 1992 йил 30 январ куни Прагада бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК) мажлисида Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга қабул қилиниши, 1992 йил 16-17 феврал кунлари Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ ёки ЭКО)нинг Теҳрондаги мажлисида Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши, 1992 йил 26 феврал куни Хельсинкида Президентимиз томонидан ЕХҲК Хельсинки Якуний ҳужжатининг имзоланиши, 1992 йил 2 март куни Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши ва мамлакатимизнинг бошқа кўпгина халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар аъзоси сифатидаги уларнинг тадбирларидаги фаол иштироки ана шундай мисоллардандир.

Булардан ташқари, Президентимиз бошчилигидаги расмий делегация-

ниянинг БМТ Бош Ассамблеяси 48 (1993 й.) ва 50-сессиялари (1995 й.), "Минг йиллик саммити" (2000 й.), ЕХҲТнинг Хельсинки (1992 й.), Будапешт (1994 й.), Лиссабон (1996 й.) ва Истанбул (1999 й.)даги олий даражадаги учрашувлари, НАТОнинг 50 йиллик юбилейи ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар тадбирларида иштирок этиб, уларда билдирилган долзарб муаммоларни ҳал этиш борасидаги таклиф ва ташаббуслари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўп томонлама дипломатия Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ раҳбарлигида тузилган Афғонистондаги ҳарбий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича "6 + 2" мулоқот гуруҳининг фаолиятида яққол намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг кўп томонлама дипломатия борасидаги фаолиятига унинг бир қанча ташкилотлар тадбирларидаги иштироки ва Тошкентда уларнинг минтақавий ваколатхоналари очилиши ҳам мисол бўла олади. Ушбу йўналишнинг республикамизда шаклланиши БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари бўлмиш ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНКТАД ва бошқалар, НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" Дастури, Европа Иттифоқи, Қўшилмаслик ҳаракати, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ), ТРАСЕКА Дастури ва ҳоказоларнинг тадбирларида намоён бўлмоқда.

Фикримизча, мазкур масаланинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш муҳимдир. Шундай қилиб, дипломатия соҳаси кўп томонлама бўлиб, давлатнинг кундалик фаолиятидаги муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади.

АҚШ ва Франция дипломатлари Жон Вуд ва Жан Серрелар "Дипломатия – бу халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш санъатидир. Дипломатия - бу халқаро муносабатларга гармоник таъсир этувчи ҳамда айрим қоида ва анъаналарга бўйсунувчи техника ва маҳоратдир", деб таъриф берадилар[1]. Машҳур инглиз дипломати Э.Сатоу дипломатияни "мустақил давлатлар ҳукуматлари ўртасида расмий муносабатлар юргизишда зеҳн ва зийракликни қўлловчи" восита сифатида изоҳлайди.

Замонавий дипломатия йўналиши, мазмун-моҳиятига кўра эски дипломатиядан анча фарқ қилса-да, унинг асосий вазифалари ўзгармади. Замонавий дипломатиянинг огоҳлантирувчи дипломатияга айланиши, яъни таҳлил қилиш, хулоса бериш ва жиддий муаммоларни бартараф этишда тезкор усулларнинг қўлланилиши давр талаби бўлиб бормоқда.

Бунга энг аввало жаҳон геополитикасининг эволюцион мавқеи, мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги интеграциялашув, яъни иқтисодий жараёнларнинг жўшқин авж олиши таъсир этмоқда. Ушбу жараён айрим давлатлар ривожланишида, халқаро савдо, валюта бошқаруви, сармоя, инвестицияларнинг ҳаракатлари, ишчи кучларининг кўчиши, ахборот ҳамда юқори технологияларни айирбошлаш, иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий ҳарбий соҳанинг такомиллашиши мумтоз геополитиканинг асосий категориялари бўлган "марказий ҳудуд ёки хартленд" (pivot area or heartland), "ички ёки чекка яримой ҳудуд" (inner or marginal crescent) ва "ташқи яримой ҳудуд" (outer crescent)ларни умуман инкор этмоқда. Жаҳон динларининг фундаменталистик кайфиятдаги оқимлари, терроризм иллатлари, айниқса, ислом дини ниқобидаги экстремистик

[1] Дж.Вуд и Ж.Серре. Дипломатический церемониал и протокол. М., 1976. - С.23.

айрим гуруҳлар таъсирининг фаоллиги нафақат ижтимоий, сиёсий ва бошқа жараёнларга таъсир этади, балки алоҳида мамлакатлар ҳамда минтақалар йўналишидаги геополитик вазиятни бутунлай издан чиқаришга қодирдир. Халқаро оммавий ахборот воситалари (масалан, СИ-ЭН-ЭН, БИ-БИ-СИ), тезюрар транспорт турлари (реактив самолётлар), коммуникация воситалари (телевидение, сунъий йўлдош орқали алоқа тизими, "Интернет") ва бошқа техникаларнинг такомиллашиши ҳамда улар аҳамиятининг ортиб боришига қараб дипломатия ҳам ўзгармоқда...

Кўп томонлама дипломатия маҳаллий, минтақавий, давлатлараро муносабатлардан бошлаб, глобал даражаларга қадар пайдо бўладиган муаммоларнинг олдини олиш, ҳал этиш воситаларидан биридир. Унинг самарадорлик даражаси ер юзида яшовчи барча халқлар, давлатлар, умуман жаҳон ҳамжамиятининг ўзаро муносабатларидаги вазиятларга боғлиқ.

Кўп томонлама дипломатия халқаро муносабатларда янги эмаслигини ва "кўп томонлама дипломатия" ўлароқ, 1814-1815 йиллардаги Вена конгрессидан эътиборан бошланганлигини "Дипломатический протокол в СССР" китобининг муаллифлари Д.С.Никофоров, А.Ф.Борунковлар айтадилар[1]. В.И.Попов эса "замонавий дипломатиянинг гоҳида кўп томонлама ёки конференцион дипломатия деб номланиши" ҳақидаги фикрни билдирган[2].

Кўп томонлама дипломатия аслида 1648 йил 24 октябрда Германия империяси, немис князликлари, Швеция, Франция ва бошқа давлатлар иштирокида тузилган "Вестфал тинчлик шартномаси"дан эътиборан бошланганлигини эътироф этиш мумкин. Ушбу шартнома ўша даврда Европада ўттиз йилдан бери давом этиб келаётган ҳудуд, диний эътиқод ва империянинг сиёсий тузилиши учун бўлаётган урушга якун ясади. "Вестфал тинчлик шартномаси"дан сўнг "Вена конгресси"ни таъкидлаш ўринлидир. Чунки "Вена конгресси" тарихда илк бор Европани умумий шартномалар тизими билан боғлади. Шунингдек, "Вена конгресси" дипломатик вакиллар даражалари таснифланишининг ягона тизимини ҳам ишлаб чиқди. Бу эса Европада дипломатик ваколатхона раҳбарлари орасида келиб чиқадиган кўпгина жиддий зиддиятларни бартараф этди.

Тарихдан маълумки, дунёдаги кўпгина тинчликсевар мамлакатлар ёвуз кучга қарши доим биргаликда курашиб келган ва шундай халқаро ташкилот тузиш керак бўлдики, у бутун дунёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминласин. Бундай ҳаракатга асосан "Версал тинчлик шартномаси" (1919 й.), "Теҳрон конференцияси" (1943 й.), "Ялта конференцияси" (1945 й.), "Сан-Франциско конференцияси" (1945 й.), "Потсдам конференцияси" (1945 й.) замин яратди. Дипломатиянинг бундай сермаҳсул ҳаракатлари жаҳонда энг нуфузли бўлган ва серқирра фаолият юргизадиган халқаро ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пайдо бўлишига олиб келди. XX асрнинг 40-50 йилларидан эътиборан геополитик мавқега кўра, кўп қутблик ҳамда кўп томонлама дипломатия тизими ўша давр жараёнида сезилмаса-да, глобал даражада шакллана бошлади. Бунга мисол сифатида Араб давлатлари лигаси (1945), Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (NATO-1949), Ғарбий Европа иттифоқи (WEU-1954), Европа

[1] Никофоров Д.С., Борунков А.Ф. Дипломатический протокол в СССР. М., 1985. - С.196.
[2] Попов В.И. Современная дипломатия: теория и практика. М., 2000. - С.97.

Иттифоқи (EU-1957), Европанинг эркин савдо ассоциацияси (EFTA-1960), Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (OPEC-1960), Африка бирлиги ташкилоти (OAU-1963), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (ASEAN-1967), Америка давлатлари ташкилоти (OAS-1967) ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Ҳозирги вақтда кўп томонлама дипломатия икки асосий шаклда: биринчидан, бир неча мақсадга, турли характердаги масала ва муаммоларга эга бўлган, махсус халқаро конференциялар, иккинчидан, халқаро ташкилотларнинг сессиялари тарзида олиб борилади.

Охирги вақтларда ўзбек тилидаги манбаларда халқаро конференцияларнинг турли характердаги муаммо ёки масалаларга бағишланган тадбирлар - музокара, мулоқот, анжуман, учрашув, йиғилиш, саммит деб юритилиши кузатилмоқда. Кўп томонлама дипломатиянинг бошқа шакллари ҳам мавжуд. Масалан, БМТ Бош Ассамблеяси ва унинг махсус ихтисослашган ташкилотлари сессиялари (ЮНЕСКО, МАГАТЭ, ЮНИСЕФ, МОТ, ФАО, ЮНИДО сессиялари ва ҳ.к.) ана шундай шакллар жумласидандир. Шунингдек, *бошқа халқаро ташкилотларнинг* ҳам айрим тадбирлари сессия деб юритилмоқда.

Халқаро алоқаларнинг кенг тус олганлиги глобал муаммоларни ҳал этишда нафақат дунёдаги давлатлар, балки халқаро, минтақавий ташкилотлар ҳамда нодавлат-жамоат тузилмаларининг ҳам иштирок этишини тақозо этмоқда. Бундай тадбирларда бир нуқтаи назарга келиш эса қийин ва мураккаб жараёндир. Масаланинг мураккаблиги ва уни ҳал этиш муҳимлиги туфайли бундай тадбирлар бир неча босқичда ўтказилади.

Конференцион, яъни кўп томонлама дипломатия бир неча мақсадга ва турли характердаги муаммоларга бағишланган бўлиб, кўплаб давлат ва нодавлат тузилмалари иштирокида можарони тинч йўл билан ҳал этиш, музокара давомида маълум бир муаммо бўйича кўп томонлама шартнома тузиш, музокарада фикрлар алмашиш ҳамда (имкон қадар) келишувга эришиш каби масалаларни қамрайди.

Айрим кўп томонлама музокараларнинг оғир ўтишига можарода қатнашувчи турли қарама-қарши томонлар, воситачилар, кафолат берувчилар, музокаралар қандайдир халқаро ташкилот бошчилигида олиб борилиши ва унинг вакиллари иштироки сабабчи бўлиши мумкин. Шунингдек, музокарада мураккаб протокол муаммолари ва этикетга риоя қилиш қийинчиликлари юзага келади. Бундай кўп томонлама учрашув (конференция)ларда шахсий омил муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бинобарин, вазият қанчалик *оғир бўлса, шахсий музокарачилар* омили шунчалик аҳамиятли бўлади.

Ҳозирги кўп томонлама дипломатия деб юритилаётган дипломатиянинг тури XX аср охирларига қадар ёзма манбаларда қайд қилинмаган бўлиб, конференция шаклида намоён бўлган. "Кўп томонлама дипломатия БМТнинг ташкил топишидан сўнг тез суръат билан ривожланди"[1].

Шундай қилиб, кўп томонлама дипломатия - бу *давлатнинг турли масала ёки муаммоларни ечишда минтақавий, халқаро, ҳукуматлараро ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмалар ёрдамида, ҳамкорлигида расмий*

[1] Фельтхэм Р.Дж. Настольная книга дипломата. [Пер. с англ. В.Е.Улаховича.] Мн., 2000.- С.218.

йўллар билан муносабатлар олиб бориш инструментидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилинадиган бўлса, кўп томонлама дипломатия нафақат давлат томонидан, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ва бошқа турдаги ижтимоий ҳаракатлар томонидан ҳам олиб борилиши мумкин. Бунга жавобан ҳозирги давр дипломатларига катта масъулият юкланмоқда. Улар малакали мутахассис, профессионал, кенг маънода тадбиркор, жамоатчилик билан ишлай оладиган, юқори технологияларни қўллай оладиган бўлиши талаб этилмоқда. Бу борада россиялик дипломат В.Карягин келажак дипломатлари тарих, фалсафа, сиёсат, иқтисод, география, ҳуқуқий фанлар, адабиёт, давлатшунослик маълумотлари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари керак, деб ҳисоблайди. Шунингдек, диншунослик, санъатшунослик, протокол ва этикетдан айрим маълумотларга эга бўлишлари лозимлигини таъкидлайди[1].

Замонавий дипломат кадрлар тайёрлаш борасида республикамизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. 1992 йил 23 сентябрда "Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Президентимизнинг Фармони эълон қилинган эди. Ҳозирги вақтда Университетни битирган кўпгина ёш ходимлар Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари ва бошқа нуфузли идораларда меҳнат қилмоқдалар.

1998 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари вакиллари билан учрашди. Учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги обрўсини янада оширишда чет эллардаги вакилларимизнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди. Шунингдек, мамлакатда бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга ҳар томонлама ҳисса қўшиш, республикага чет эл сармоясини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар қўйилди[2].

Жаҳоннинг барча мамлакатлари каби Ўзбекистон ҳам минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда. Ўзбекистон ҳукумати кўпгина халқаро, минтақавий ташкилотларнинг учрашувларида Афғонистондаги можаро, Орол денгизи муаммоси, халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш, минтақадаги бошқа кўпгина долзарб масалаларни ечиш ҳамда олдини олиш ташаббуслари билан иштирок этиб келмоқда.

Мавзунинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, мулоҳазаларимизни Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги ажойиб фикрлари билан якунлаш ўринлидир: "Дипломатия деган нарса осон иш эмас экан. Буни уюштириш учун, ташкил қилиш учун жуда кўп ўйлаш керак... Бугун дунё миқёсида барқарорликка эришиш учун дастлаб минтақаларда барқарорликни таъминлаш керак. Умумбашарий барқарорлик кичкина минтақада тинчликни сақлашдан бошланади"[3].

[1] Карягин В. Дипломатическая служба: вчера, сегодня, завтра. Международная жизнь. №10, 1994. - С.40-53.

[2] Халқ сўзи. 1998 йил 21 август.

[3] Каримов И.А. Мақсадимиз - тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. - Т.: Ўзбекистон, 1995. 23-24 б.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ - ЎЗИГА ХОС МИНТАҚА

Ҳ.Э.ТЎЛИБОЕВ,
ЖИДУ «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси катта ўқитувчиси, халқаро муносабатлар магистри

Замонавий сиёсатшуносликда давлатларнинг ташқи иқтисодий сиёсати муаммоларини ўрганиш «совуқ уруш»нинг тугаши туфайли (жаҳондаги катта ўзгаришлар натижасида) муҳим аҳамият касб этмоқда. Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши натижада дунё сиёсий харитасида, хусусан, Марказий Осиёда ҳам қатор янги, мустақил давлатлар пайдо бўлди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тушунчаси эндиликда жаҳон сиёсий саҳнасида Марказий Осиё номи билан янгича (сиёсий) тус олди. Албатта, бу геосиёсий ўзгариш мазкур минтақа давлатларининг мустақилликка эришганликлари билан боғлиқдир. Бу давлатлар сиёсий мустақилликка эришгач, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айландилар. Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси давлатларига нисбатан янгича муносабатлар ҳамда қарашлар шаклланмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида минтақанинг Шарқ-Ғарб давлатларига боғлиқ ҳолда Шимол-Жануб давлатлари геосиёсий муносабатларида ўзига хос, муҳим геосиёсий маконлардан бири эканлигини таъкидлаш мумкин. Улар учун интеграцияга мойиллик ва давлатлараро алоқалар тизимида мустақил мамлакатлар сифатида фаолият кўрсатиш муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгач, ўзига дунёдаги йирик давлатлар, шунингдек, қўшни давлатларнинг диққатини тортди.

Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг ташқи иқтисодини илмий ўрганишга сиёсатшунослик фанида биринчи қадамлар қўйилмоқда. Бу давлатларга бўлган қизиқишлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997 й.), «Ўзбекистон миллий мустақиллиги: иқтисодиёт, сиёсат, мафкура», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» ва бошқа бир қанча асарларни мисол қилиб келтирса бўлади. Шунингдек, МДҲ давлатлари муаллифларининг асосан давлатчиликнинг шаклланиши ва (унга сиёсий баҳо бериш) давлат раҳбарларининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатига баҳо бериш тўғрисидаги мақолаларини ҳам тилга олиш мумкин. Ўз ишларида, бу муаммоларга кўпроқ эътибор қаратган А.Саидов, А.Қосимов, И.Васькин, У.Касинов, Ю.Шишков, А.Ҳайдаров ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳам диққатга сазовордир.

Бу борада қилинган ишларни умумлаштирадиган бўлсак, уларда асосан коммунистик ғоянинг барбод бўлганидан сўнг, ушбу давлатларда давлатчилик жараёни пайдо бўлиши ва муассасалар тизими алоқаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Бу ишлар рўй бераётган воқеаларни ва глобал ўзгаришларни чуқур билиш ҳамда аниқ мақсадлар сари йўналтиришга қаратилгандир.

Бу ўзгаришларнинг заиф томони (мустақилликка эришаётган давлатларга хос бўлган) назарий хулосаларнинг

етишмаётганлигидир. АҚШ сиёсатшунослик фанидаги биринчи катта иш Грехем Фуллернинг 1992 йилда чоп этилган «Марказий Осиёнинг янги геосиёсати» номли китобидир. Бу ишда Ўрта Осиё давлатларининг дастлабки мустақил ривожланиши натижаларини умумлаштиришга ҳамда минтақадаги сиёсий алоқалар масалаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Г.Фуллер ўз нуқтаи назарини қуйидагича тушунтиради, яъни, Ўрта Осиё мусулмон давлатлари мустақилликка эришгач, атрофдаги минтақалар геосиёсатини ўзгартириб, бутун мусулмон дунёси ички кучлар мувозанатига таъсир кўрсатди. Муаллиф АҚШнинг Марказий Осиёдаги манфаатларини бир неча тоифага бўлади. Г.Фуллер фикрига кўра, АҚШ ва Ғарб давлатлари Марказий Осиё ва Россия ўртасидаги яхши алоқаларни қўллаб-қувватлашлари керак. Сабаби, Россия АҚШнинг асосий йирик ҳамкори ҳисобланади. АҚШ Марказий Осиё республикалари чет эл сиёсатига (минтақада), айниқса, минтақавий низолар, сепаратизм ва диний экстремизмга қарши тура олишидан манфаатдордир. Бу ерда, албатта, гап Афғонистон ва Тожикистон ҳақида кетмоқда. Бундан ташқари, АҚШ Марказий Осиё хом ашёсидан ва минтақадаги барқарорликни сақлайдиган мўътадил ҳукуматдан манфаатдордир. Чунки минтақанинг геосиёсий мавқеи жаҳоннинг кўплаб давлатларида қизиқиш уйғотмоқда. Г.Фуллер асосий диққатини Марказий Осиёдаги янги давлатларнинг қўшни давлатлар билан бўлаётган ўзаро алоқалари, айниқса, бу минтақада ўзларининг мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган мусулмон мамлакатларига қаратмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф ўз китобини Марказий Осиёда мусулмончилик учун кураш қисми билан тугаллайди. Минтақадаги бўлажак ислом дини тақдири мавзуси китобда асосий ўрин тутган. Минтақа турли хил халқаро геосиёсий ва ғоявий гуруҳларнинг манфаатлари кесишган жойга тўғри келади, деб ҳисоблайди. Хулоса қилиб айтганда, Ғарб бу геосиёсий минтақанинг жаҳон саҳнасида барқарор ва сиёсий мўътадил ривожланишидан жуда манфаатдордир. Россия ҳам шуни истайди. Марказий Осиё Осиё қитъасининг қоқ марказида жойлашганлиги сабабли, агар инқирозий аҳволга тушиб қолса, ўзларининг қўшниларини ҳам ҳар томондан безовта қилиши мумкин. Хорижий тадқиқотчиларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, бугунги кунда Марказий Осиёдаги юз бераётган воқеалар ривожи кўплаб Ғарб давлатларининг аналитик хизматларининг диққат марказида турибди. Америкалик аналитик Ж.Кричлоунинг фикрича, Америка давлати бу минтақанинг тақдирига бефарқ қарамаслиги керак. Чунки Марказий Осиё давлатлари Россияда авторитар тузумнинг ривожланишига, Москва ва Ғарб ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишига, натижада «совуқ уруш» даври яна бошланишига таъсир қилиши хавфи бор, деб ҳисоблайди.

Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази ходими Ш.Хантернинг Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари алоқаларини ўрганиш тадқиқотлари маълум бир қизиқишларни уйғотади.

Ушбу мамлакатларнинг алоқалари ривожланиши кучли маданий тарихий фундамент асосида бўлишини таъкидлайди. Бироқ, бу жараён қатнашчиларининг мақсади ва роли бир-биридан фарқлангандир. Покистонда янги мусулмон давлатининг пайдо бўлишига Ўрта Шарқда ислом жамиятининг стратегик ҳудуди сифатида қарашмоқда.

Туркия ўз сиёсатини бу давлатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларга қаратмоқда. Эрон ва араб давлатлари диний ва иқтисодий жиҳатдан яқинлашишга интилмоқда. Ғарбнинг вазифаси Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасида мусулмон ҳарбий блоки тузилишининг олдини олишдан иборатдир. Муаллиф Россияни Марказий Осиё минтақасидан кетиши тўғрисидаги фикрлар ўзини оқламаганлиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдиради.

Сиёсатшунос Даннройтер фикрига кўра, барча иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик воқелик бу собиқ совет иттифоқи республикаларида Россиянинг иштироки зарур эканлигини кўрсатади. Минтақанинг янги давлатлари, айниқса, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айлангач, ўз давлатчилигини мустақил равишда «катта оғанинг» кўмагисиз қура олишини намойиш қилди. Минтақа давлатлари, айниқса, Ўзбекистон ҳақиқатан ўзиниг стратегик йўналишига ва жаҳон ҳамжамияти орасида ҳурматга эгадир ва унинг обрў-эътибори Евроосиё, Марказий ва Ўрта Шарқда ортиб бормоқда. Бу эса қўшни давлатларда Россия, Хитой, Эрон, Афғонистонларнинг манфаатларида намоён бўлмоқда.

Шу сабабдан, Ғарб, Россия ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўзларининг ташқи сиёсатини ушбу мамлакатларга нисбатан, қайта кўриб чиқишларига тўғри келади. Барча тадқиқотчилар, Марказий Осиё геосиёсий мавқеини таҳлил қилганларида Хитойнинг ролини инкор қила олмайдилар. Ҳозирги вақтда Даннройтернинг фикрича, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги алоқалар ривожи қандай бўлишини ишонч билан олдиндан айтиш қийин. Бу қуйидаги бир қанча омилларга боғлиқ деб ўйлаймиз: биринчидан, Хитой коммунистик тузумнинг либераллашуви, Россия-Хитой алоқалари эволюцияси, Марказий Осиё ички жараёнлари, Хитойнинг турли бурчакларида миллатчиликнинг авж олиши ва бошқа хусусиятлар билан боғлиқдир. Хитойнинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан тутган стратегияси, аста-секинлик билан дастлаб иқтисодий алоқаларни, сўнгра сиёсий алоқаларни ҳам кучайтиришдан иборатдир.

Шундай қилиб, маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг Марказий Осиё муаммоларига бағишланган охирги йилларда эълон қилинганларини таҳлил этар эканмиз, сиёсатшуносликнинг олдида иккита муҳим вазифа турганини кўрамиз. Биринчиси, улар сиёсий раҳбарларга Марказий Осиёга нисбатан қандай сиёсат олиб бориш тўғрисида аниқ таклифлар бериш; иккинчиси эса бу таклифларни назарий жиҳатдан ечиш ва прогноз қилиш учун турли хил концепциялар ишлаб чиқиш ёки минтақа сиёсий эволюциясининг бошқа вариантларини асослаб беришдан иборатдир.

«Совуқ уруш» муносабатлари тугагандан кейинги воқеалар ривожининг муҳим жаҳон бозори айнан Марказий Осиё минтақасидалигини кўрсатмоқда. XXI аср бўсағасида Марказий Осиёда шаклланаётган бу бозор Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, «энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захираларига эга» эканлиги билан аҳамиятлидир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси давлатлари кўплаб қудратли давлатлар этиборини ўзига тортмоқда, жумладан, Евроосиёга сиёсий тус бериш ниятидаги баъзи сиёсий намояндаларнинг фикрларини асосли деб бўлмайди. Янгиланаётган жамиятдаги сиёсий жараёнлар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё фақат Евроосиёнинг марказигина эмас, балки учинчи минг йилликдаги халқаро муносабатларни белгилаб бе-

рувчи ҳам географик, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий минтақадир.

Бугунги Марказий Осиё геосиёсий маконида учта асосий муаммо мавжуд. Бу муаммоларнинг қай йўсинда ҳал этилиши минтақада геосиёсий имкониятларнинг истиқболини белгилаб беради. Бизнингча, долзарб муаммолар қуйидагилардир:

- минтақа хавфсизлиги масаласи (диний экстремизм ва терроризм);
- иқтисодий интеграция билан боғлиқ масалалар;
- экологик вазиятнинг танглиги ва транспорт коммуникациялари масалалари.

Албатта, бу муаммолар бир-бири билан боғлиқдир. Уларни алоҳида-алоҳида бартараф этиш қийин. Чунки минтақа иқтисодининг геосиёсий жойлашуви томонидан ривожланиши минтақа хавфсизлигига боғлиқ бўлса, минтақада хавфсизликнинг таъминланиши ҳам иқтисодий, ҳам экологик муаммоларга муаян даражада боғлиқдир.

Бу муаммолар аста-секинлик билан ўз ечимини топиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг Туркияда жаҳондаги 50 дан ортиқ давлат раҳбарлари иштирок этган Саммитда террористларни тайёрлаётган марказлар бор, нима учун террористларга қарши курашадиган марказ йўқ, шундай марказларни ташкил қилиш керак, деган таклифлари кўплаб давлат раҳбарлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Буни биз мамлакатимизга АҚШ давлат котиби (собиқ) М.Олбрайт, Россия Президенти В.Путин ва бошқа давлатлар вакилларининг расмий ташрифларида минтақа хавфсизлиги, терроризмга қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш кун тартибидаги асосий масалалардан бири сифатида қўйилганидан кўриб турибмиз.

Иқтисодий интеграцияга боғлиқ муаммоларни ечишда ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Бугунги кунда ҳамма давлатлар ташқи дунёдан ажралган ҳолда якка ўзи ривожлана олмаслигини тушуниб етди. Марказий Осиё раҳбарларининг бир-бирига қилган ташрифлари ва уларни қийнаётган муаммолар (сув танқислиги, транзит ва бошқалар) ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан келишиб олинди. Транспорт коммуникациялари масаласи, жаҳон бозорларига чиқиш учун ҳам анча иш қилинди. Бунга мисол қилиб, Теджен-Серахс йўли, Эрон орқали Форс қўлтиғига чиқиш, Қамчиқ довонидаги Андижон, Ўш, Эргаштом йўли орқали Шарққа йўл очилаётганини кўрсатиб ўтиш керак.

Экологик вазият, айниқса, Орол денгизининг қуриб бораётгани XX аср фожиаси десак муболаға бўлмайди. Денгизнинг 1/3 қисми қуриб қолганлиги нафақат 50 миллиондан ортиқ аҳоли яшаётган Марказий Осиё, балки дунёнинг кўплаб нуқталарида ҳам экологик мувозанатни бузиб юбориши мумкин. Бу фожианинг олдини олиш тўғрисида Президент И.А.Каримов БМТ ва бошқа турли хил халқаро ташкилотларнинг йиғилиш ва анжуманларида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён қилиб ўтган. Бу муаммо юзасидан ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганимизда, Марказий Осиё давлатлари олдида турган учта энг асосий муаммолар аста-секинлик билан ўз ечимини топмоқда. Уларнинг бой иқтисодий имкониятларидан оқилона фойдаланиб, тўғри сиёсат олиб борилса, ўйлаймизки, бизнинг минтақа ҳам ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Зеро халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Интилганга толе ёр».

ЭВОЛЮЦИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ЗАЩИТЕ КОНКУРЕНЦИИ

С.М. Адилходжаева,
преподаватель УМЭД

Глубинные корни становления и развития конкуренции уходят в природу товарного производства и рынка. Конкуренция объективно обусловлена полной хозяйственной самостоятельностью предпринимателя в производстве и реализации товаров при одновременной полной его зависимости от хозяйственной конъюнктуры, борьбы за наибольший доход, за процветание или, по крайне мере, выживание. Стремление каждого из них к росту прибыли неизбежно приводит к расширению масштабов хозяйственной деятельности, в результате чего предприниматели выступают как конкуренты по отношению друг к другу.

Монополия резко изменяет эту ситуацию. Число продавцов становится столь малым, что каждый продавец уже в состоянии оказать влияние на общий объем предложения, а поэтому и на цену продаваемого продукта.

Попытки обуздать монополизм делались еще в древние времена. Пальма первенства, по утверждению специалистов-историков, принадлежит римским законодателям, выявившим противоречия между частной инициативой и конкуренцией, ведущие к монополии. В частности, называют императора Диоклетиана с его декретом о ценах, устанавливавшим, с целью борьбы со спекулятивными монополиями, твердые цены на отдельные виды товаров.

Первым антимонопольным актом более общего характера принято считать конституцию о ценах императора Зенона (483 г.н.э.), где говорилось: «Мы приказываем, чтобы ни одно лицо не позволяло себе осмелиться осуществлять монополию на какую-либо иную вещь, служащую в качестве продовольствия или предназначаемую для другого использования». В этом акте впервые появляется и само понятие «монополия».

В Англии в XVII в. был принят закон, аннулировавший значительную часть сложившихся к тому времени монополий на городскую торговлю. Позднее отдельные сходные меры предпринимались и в некоторых других странах. Например, в Германии в 1886 г. издается закон о недобросовестной конкуренции, в Канаде в 1889 г. - о предупреждении и запрете объединений, связанных с ограничением в торговле. Относительно быстрое распространение подобных законов в экономически развитых государствах объяснялось тем, что возникшие к тому времени гигантские монополистические объединения стали разрушать традиционные устои рынка и их справедливо расценивали как явления, принесенные извне и чуждые нормальному развитию рыночной экономки.

Введение более или менее системного государственного регулирования конкуренции и монополистической деятельности обычно связывают с американским антитрестовским законодательством и именем Д.Шермана. Разработка в США антимонопольного

законодательства началась во второй половине 80-х годов XIX века. Всего было подготовлено около полутора десятков законопроектов. В конкуренции между ними верх одержал проект, представленный сенатором Д.Шерманом. После существенной доработки он был принят и с июля 1890 г. начал действовать.

Закон запретил тайный сговор между компаниями и всяческие соглашения, в частности в форме трестов, ограничивающие производство, торговлю и предпринимательскую деятельность, а также все попытки монополизации рынка. Ограничения и запреты распространялись на все виды рынков и предпринимательской деятельности независимо от территории, где они функционировали. Наказанию подлежали не только сами действия, но и попытки совершить их. Виновным в правонарушении объявлялось всякое лицо, монополизирующее или пытающееся монополизировать либо вступающее в сговор с любым другим лицом или лицами с целью монополизировать любую часть промышленности или торговли между различными штатами либо с иностранными государствами. За нарушение этого закона предусматривалось тюремное заключение до одного года и штраф до 5 тыс. долл. Суд был вправе применить оба наказания одновременно. Участники рыночных отношений прямо заинтересовывались в разоблачении случаев нарушения законов, поскольку потерпевшим от подобных правонарушений возмещался нанесенный им ущерб в тройном размере. При этом предусматривалось обязательное обнародование судебных процессов.

В 1914 г. принимаются предложенные членом палаты представителей Г.Клейтоном дополнения к закону. В дополнениях давалось определение незаконных сделок, предусматривались меры, препятствующие слиянию советов директоров трестов, запрещались все виды «ограничительной» практики предпринимателей - дискриминация в ценах, приобретение одной корпорацией прямо или косвенно акций, акционерного капитала другой корпорации и иные операции, если их результатом могло быть существенное ослабление конкуренции или же тенденция к образованию монополий.

В соответствии с дополнениями за нарушение требований закона штраф был повышен до 500 тыс. долл., в 35 штатах из 50 предусматривалось тюремное заключение на срок от 1 до 5 лет, а в штате Гавайи - даже до 20 лет. В этой части закона было сформулировано новое важное положение о соотношении ответственности юридического лица и ответственности входящих в организацию физических лиц, которые непосредственно способствовали совершению правонарушения. В случае, если корпорация нарушала уголовно-правовые нормы антимонопольного законодательства (по терминологии США - антитрестовского), то к уголовной ответственности привлекалось и должностное лицо[1].

В том же 1914 г. была образована Федеральная торговая комиссия, предназначенная для борьбы с антиконкурентными слияниями компаний, с нечестными методами конкуренции. Последние были объявлены незаконными. Отмечая некоторые примечательные черты комиссии, связанные с

[1] Жилинский С.Э. Правовая основа предпринимательской деятельности (предпринимательское право), 1998. - С. 661.

ее высоким статусом в системе государственного аппарата, можно заметить, что она представляла собой независимый административный орган, обладавший специальными полномочиями. Ее председатель назначается президентом США, а члены (всего пять человек) - президентом по рекомендации и с одобрения Сената сроком на семь лет. Комиссия проводила расследование нарушений антимонопольного законодательства по собственной инициативе, по заявлению Генерального прокурора, указаниям президента и Конгресса США, жалобам физических лиц.

Позднее в законодательство вносились отдельные коррективы, которые ослабляли антимонопольный пресс, если он тормозил развитие экономики, снижал конкурентоспособность американских товаров. В частности, в 1937 г. под действием закона Д.Шермана были внесены некоторые виды соглашений о розничных ценах между производителями и дилерами[1].

Параллельно с развитием национальных законодательств в регулирование конкуренции и монополистической деятельности все более активно стали включаться международное право и различные международные институты, что было связано с необходимостью выработки единых стандартов поведения. Например, Парижская конвенция 1883 г. закрепила нормы, направленные против недобросовестной конкуренции. Генеральная Ассамблея ООН 5 декабря 1980 г. одобрила резолюцию «Комплекс согласованных на многосторонней основе справедливых принципов и правил для контроля за ограничительной деловой практикой», в которой предложено государствам членам ООН в целях развития международной торговли пресекать подобную практику. При ООН действует специальная комиссия по ограничению деловой практики. Комиссия анализирует антимонопольное законодательство различных стран, принимает меры к унификации его норм, вырабатывает необходимые для этого рекомендации[2].

При изучении интеграции международноправового опыта по поддержке конкуренции несомненный интерес представляет Договор об учреждении Европейского Экономического Сообщества[3], подписанный в Риме 25 марта 1957 г. В него первоначально вошли Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерланды. Он ставил своей целью путем создания «общего рынка» и постепенного сближения экономической политики государств-участников всестороннее развитие экономической деятельности в сообществе, скорейшее повышение уровня жизни и дальнейшее упрочение связей.

Среди важнейших средств достижения цели Договор определил механизм антимонопольной политики, создание и поддержание конкуренции на рынке. Антимонопольные нормы, гарантирующие свободу конкуренции, были сосредоточены в главе 1 раздела IV Договора, которая так и называется - «Правила конкуренции». Признавались несовместимыми с принципами «общего рынка» и запрещались всякие соглашения между предприятиями,

[1] Philips Louis Competition policy: a game - theoretical perspective. Cambridge Universiny Press. New York. 1995. - P. 272.

[2] Jonathan F. The EC Law of Competition. Oxford Universitu Press. November 1999. - P. 1078.

[3] Cini M. Competition policy in the European Union. London. Macmillan. 1998. - P. 250.

решения об их объединении и любая координированная деятельность, которые могли бы нанести ущерб торговле между государствами и которые имели своей целью или результатом воспрепятствовать, ограничить или нарушить свободу конкуренции внутри «общего рынка».

Однако запреты не распространялись на подобные действия в случае, если они способствуют улучшению производства или распределения продуктов, содействуют техническому или экономическому прогрессу, обеспечивая интересы потребителей, при условии, что они не налагают на заинтересованные предприятия таких ограничений, которые являются необходимыми для достижения этих целей и не дают предприятиям возможности устранить конкуренцию для существенной части данных продуктов.

После более чем тридцатилетней практики антимонопольного регулирования с использованием правил Римского договора 21 декабря 1989 г. Советом Европейского Сообщества был принят закон «По контролю над концентрацией предпринимательской деятельности». Закон призван предотвратить создание и усиление предприятиями доминирующего положения на рынке путем получения контроля над другими предприятиями[1].

Таким образом, рассмотрев истоки и зарубежный опыт антимонопольного законодательства, можно обобщить следующее.

Во-первых, в конкретном «расщепленном» виде, пригодном для нормативно-правового регулирования, процесс монополизации имеет двойственную направленность, выражающуюся в экономическом росте хозяйствующих субъектов - увеличении ими производства, объемов товарооборота и т.п. - и в изменениях состоянии рынка.

Как минимум, по обоим этим направлениям необходимо и государственное регулирование: создание нормативно-правовой основы для контроля над операциями (сделками) хозяйствующих субъектов и контроля над уровнем концентрации товаров на рынке.

Во-вторых, при осуществлении антимонопольного регулирования необходимо руководствоваться принципом «не навреди». Борьба с монополизмом и защита свободы конкуренции не должна вести к разрыву технологических связей между предприятиями, превращаться в средство деиндустриализации экономики страны. Законодательство призвано оперативно реагировать на перемены в рыночных отношениях и в зависимости от них ужесточать или либерализовать соответствующие нормы права.

В-третьих, система нормативно-правовых актов, регулирующих конкуренцию и монополию на рынке, бывает различной. Принимаются законы, отдельные по конкуренции и по монополиям (например, в Великобритании Закон о монополиях и контроле за ограничительной практикой - 1948 г. и Закон о конкуренции - 1980 г.), или один законодательный акт, но регулирующий и те, и другие общественные отношения (например, в Японии Закон против монополий - 1947 г.).

В-четвертых, как правило, создаются специальные государственные органы (например, Федеральная служба карателей - в Германии, Генеральный директорат по справедливой торговле - в Японии, конкурентный трибунал - в Канаде).

[1] Estrin S. Competition and economic integration in Europe. UK. Cheltenhan. 1998. - P.162.

Проводимые экономические реформы в странах СНГ и Восточной Европы потребовали быстрого создания нормативно-правовой основы для развития конкуренции и мер антимонополистической деятельности, адекватной формируемой социально ориентированной рыночной экономике. Конкуренция и ее противоположность - монополия существуют только при определенном состоянии рынка, основными параметрами которого являются: количество хозяйствующих субъектов (промышленных, торговых и иных, имеющих права юридического лица, и индивидуальных предпринимателей), поставляющих товары на рынок; свобода вхождения хозяйствующего субъекта на рынок и выхода из него; дифференциация товаров (придание определенному виду товаров одного и того же назначения разных индивидуальных особенностей - по фабричной марке, качеству и др.); участие хозяйствующих субъектов в контроле за рыночной ценой. С учетом названных параметров выделяют четыре вида структур рынка: совершенная (свободная) конкуренция, чистая монополия, монополистическая конкуренция, олигополия.

Совершенная конкуренция означает, во-первых, что на рынке имеется множество независимых хозяйствующих субъектов, самостоятельно решающих, что создавать и в каких количествах. Во-вторых, никем и ничем не ограничен доступ на рынок и такой же выход из него всем желающим. Каждый гражданин может стать свободным предпринимателем и применить свой труд и материальные средства в интересующей его отрасли хозяйства. Покупатели, в свою очередь, свободны от всякой дискриминации и имеют возможность купить товары и услуги на любом рынке. В-третьих, продукты определенного назначения одинаковы по важнейшем свойствам (не дифференцированы). В-четвертых, хозяйствующие субъекты никак не участвуют в контроле за рыночными ценами, неценовые методы конкуренции не практикуются. В-пятых, участники рыночных отношений имеют равный доступ к рыночной информации. В экономической литературе свободную конкуренцию нередко называют чистой, поскольку она свободна от вмешательства государства, а рынок «чист» от монополий. При отражении в законодательстве складывающихся рыночных структур необходимо учесть, что совершенная конкуренция в настоящее время в странах с развитой системой рыночной экономики встречается редко. А в условиях нашей страны ей трудно сложиться после доминирующей государственной собственности.

По данным В.И.Еременко (1998), в мировой практике редки случаи, когда отношения в области недобросовестной конкуренции и монополистической практики регулируются в одном нормативном акте. Подобная ситуация сложилась в 70-80-х годах в Венгрии и Югославии, что объяснялось неразвитостью конкурентных отношений в этих странах при принятии соответствующих законов[1]. Такая законодательная практика и определила указанное направление в законодательстве постсоциалистических стран. Кроме Венгрии и Югославии (в Венгрии принят более развернутый, но сходный по содержа-

[1] Еременко В.И. Канадское законодательство о пресечении недобросовестной конкуренции // Законодательство и экономика, 1998, №8. - С. 58-60.

нию закон в 1990 г.), этому направлению последовали Болгария и ряд государств СНГ - Молдавия, Казахстан, Киргизия, Россия .

Однако развитие конкурентного права в мире свидетельствует о тенденциях к регулированию таких отношений отдельными законами. Так, в Польше 24 февраля 1990 г. принят Закон «О противодействии монополистической практике», в котором отсутствуют положения о пресечении недобросовестной конкуренции, а 16 апреля 1993 г. - Закон «О борьбе с недобросовестной конкуренцией». В Чехии и Словакии действует Закон «Об охране экономической конкуренции» от 30 января 1991г., регламентирующий вопросы монополистической деятельности, в то время как пресечение недобросовестной конкуренции предусмотрено в гл. V первой части Коммерческого кодекса от 5 ноября 1991г. Отдельные законы о борьбе с недобросовестной конкуренцией были приняты в Румынии (1991г.), Китае (1993 г.).

Опыт законодательства промышленно развитых стран свидетельствует о различных источниках правового регулирования пресечения недобросовестной конкуренции и монополистической деятельности. Данный вывод подтверждается также опытом тех стран, в которых впервые вводится правовое регулирование недобросовестной конкуренции. Например, в Испании, наряду с новым антимонопольным законом 1989 г., в 1991 г. впервые принят Закон «О пресечении недобросовестной конкуренции».

В Италии, где пресечение недобросовестной конкуренции осуществляется на основании норм ГК (ст.2598-2601), в 1990 г. принят первый антимонопольный закон (№287 от 10 октября 1990 г.). Отдельный антимонопольный закон принят также в Бельгии (Закон «Об охране экономической конкуренции» от 5 августа 1991 г.).

Сформировавшаяся ныне нормативно-правовая основа конкуренции и ограничения монополистической деятельности в Узбекистане, как и в других странах СНГ, состоит из трех крупных блоков. Первый -законодательство Республики Узбекистан. Особую значимость здесь имеет Закон «О конкуренции и ограничении монополистической деятельности на товарных рынках», принятый 27 декабря 1996 г. Закон содержит нормы, специально направленные на регулирование обозначенных в его названии общественных отношений, носит комплексный характер. В нем предусмотрено правовое регулирование как монополистической деятельности, так и пресечения недобросовестной конкуренции. В соответствии с ним конкуренция это состязательность хозяйствующих субъектов, когда их самостоятельные действия ограничивают возможность каждого из них воздействовать на общие условия обращения товаров на соответствующем рынке (ст.2).

Второй блок нормативно-правовой основы конкуренции и монополистической деятельности составляют нормативные акты, которые издает Комитет по демонополизации и развитию конкуренции при Министерстве финансов Республики Узбекистан. Такие полномочия Комитета оговорены в Законе «О конкуренции и ограничении монополистической деятельности на товарных рынках». Нормативные акты Комитета принимаются на основе антимонопольного законодательства и должны соответствовать ему.

Третий блок весьма специфичен - это соответствующие договора и соглашения, заключаемые государствами - участниками СНГ. Рынок сыграет свою интегрирующую роль только при условии постоянной работы по согласованию, а затем унификации антимонопольного законодательства. Реальные сдвиги в указанном направлении уже имеются. Так, 12 марта 1993 г. в Москве подписано Соглашение о согласовании антимонопольной политики (государств - участников Содружества Независимых Государств), в котором подчеркнуто, что согласованные действия по предупреждению, ограничению, пресечению монополистической деятельности и развитию конкуренции есть необходимое условие расширения торгово-экономических отношений[1]. Согласование антимонопольной политики осуществляется государствами на основе совместных действий, принципов и правил, добровольно принятых на себя обязательств, равенства прав и ответственности. Участники Соглашения договорились сосредоточить усилия на обнаружении и пресечении монополистических действий хозяйствующих субъектов и неравномерных действий органов власти и управления, направленных на ограничение конкуренции; достигнутых в любой форме соглашений (согласованных действий) конкурирующих хозяйствующих субъектов (потенциальных конкурентов), если такие соглашения (согласованные действия) имеют либо могут иметь своим результатом существенное ограничение конкуренции; недобросовестной конкуренции хозяйствующих субъектов.

Они выразили также намерение добиваться единообразия в установлении критериев и способов оценки монополистической деятельности и недобросовестной конкуренции, процедур рассмотрения и пресечения нарушений антимонопольного законодательства.

23 декабря 1993 г. в Ашгабаде во исполнение Соглашения заключен развернутый Договор о проведении согласованной антимонопольной политики[2]. Цель Договора - определить правовые основы по предупреждению, ограничению и пресечению монополистической деятельности и недобросовестной конкуренции хозяйствующих субъектов в рамках общего экономического пространства и не подпадающие под действие национального законодательства стран СНГ. Участники СНГ обязались: координировать совместные действия по предупреждению, ограничению и пресечению монополистической деятельности и недобросовестной конкуренции; сближать антимонопольное законодательство в той мере, в какой это необходимо для реализации Договора; создавать условия для развития конкуренции, эффективного функционирования товарных рынков и защиты прав потребителей; согласовывать порядок рассмотрения и оценки монополистической деятельности хозяйствующих субъектов, органов власти и управления и создавать на этой основе механизм сотрудничества. Центральное место в Договоре занимает ст.3, уста-

[1] Philips Louis Competition policy: a game - theoretical perspective. Cambridge Universiny Press, New York. 1995. - P. 272.

[2] Договор о проведении согласованной антимонопольной политики от 23 декабря 1993 г.// Вестник ВАС РФ. 1994, №3. - С.60-64.

новившая общие правила конкуренции хозяйствующих субъектов, действующих на территории стран Содружества.

В целях практической реализации Договора учрежден особый межнациональный орган - Межгосударственный совет по антимонопольной политике, разработано и утверждено Положение о нем[1]. Для осуществления своих функций Межгосударственному совету предоставлено право:

разрабатывать и утверждать регламент своей работы, а также вносить в него изменения;

организовывать проведение экспертизы проектов документов, связанных с реализацией положений Договора о проведении согласованной антимонопольной политики;

создавать для подготовки соответствующих проектов документов рабочие группы экспертов;

вносить на рассмотрение Совета глав правительств Содружества Независимых Государств и Координационно-консультативного комитета Содружества документы, подготовленные Антимонопольным советом для принятия решений и подписания в установленном порядке;

выдавать хозяйствующим субъектам стран СНГ обязательные для исполнения предписания по принятым решениям;

выходить с ходатайством и запросами по разрешению споров в Экономический суд Содружества Независимых Государств;

запрашивать и получать от стран СНГ информацию, необходимую для выполнения своих функций.

Государство проявляет постоянное внимание к укреплению правовых гарантий свободной конкуренции. Главным методом служит контроль, проводимый в этой сфере общественных отношений. Государственный контроль за реализацией правовых гарантий конкуренции, прежде всего закрепленных в антимонопольном законодательстве, составляет одно из обязательных условий формирования и развития социально ориентированной рыночной экономики, свободы конкуренции на товарных рынках. Особая актуальность контроля обусловлена тем, что государственное антимонопольное регулирование - дело совершенно новое для экономической, социальной и политической практики стран СНГ.

Конкуренция служит основным регулирующим механизмом в рыночной экономике. Это та сила, которая подчиняет производителей и поставщиков ресурсов диктату покупателя или суверенитету потребителя. При конкуренции решения многих продавцов и покупателей о предложении и спросе определяют рыночные цены. В нормально действующей рыночной системе конкурирующих производителей, подчиняющихся воле рыночной системы, ждут прибыль и упрочение их позиций; уделом же тех, кто нарушает законы рынка, являются убытки и, в конечном счете, банкротство. Поэтому весьма важным является развитие законодательства о защите конкуренции стран, избравших путь рыночного регулирования экономики.

[1] Положение о Межгосударственном совете по антимонопольной политике стран СНГ // Вестник ВАС РФ. 1994, №3. - С.65-66.

БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ МАСАЛАЛАРИ

Бобоқул ТОШЕВ,
ТДЮИ докторант-тадқиқотчиси,
ЖИДУ катта ўқитувчиси

Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳукуматлараро халқаро ташкилоти сифатида 1995 йил 1 январда ташкил этилган. У кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институционал асоси ҳисобланади. Унинг фаолияти халқаро савдо тизимини яратиш, ундаги тарифларни камайтириш, товарлар, хизматлар, маҳсулотларга нисбатан халқаро меъёрларни татбиқ этиш орқали дунёда халқаро савдони рағбатлантиришдан иборат. БСТнинг савдо сиёсати товарлар савдоси, хизматлар ва «савдо ғоялари» ёки интеллектуал мулкни қамраб олади.

БСТ бир қатор халқаро савдо битимларининг маъмурий вазифасини ҳам бажариб келади. 2001 йилнинг 1 январига қадар 135 давлат БСТнинг аъзоси ҳисобланади. БСТ аъзо-давлатларида бутун дунёда кўрсатиладиган хизмат ва тайёрланадиган маҳсулотларнинг 90 фоизи тайёрланади. Ўзбекистон Республикаси БСТнинг ҳозирча 32 кузатувчи-давлатидан биридир.

БСТга аъзо бўлиб кираётган давлатлар унинг 15 та мустақил Битимини имзолаб, улардаги халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олмоғи лозим. Бу битимлар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспектлари бўйича шартномаси (ТРИПС) ҳам бор. Шартнома 7 бўлим, 63 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк ҳуқуқи, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг энг асосий қоидалари мустаҳкамланган. ТРИПСнинг 1-8-моддаларида бошқа мамлакатларда яратилган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан қўлланадиган принцип ва тартиблар, 9-14-моддаларида эса муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли конвенциялар меъёрлари билан боғлиқ муҳим қоидалар белгиланган. БСТ муаллифлик ҳуқуқи объектлари (асарлар) айирбошланаётганда ТРИПС орқали халқаро савдо тизимига кирган ҳолда халқаро мажбуриятлар бажарилишини ўртага қўяди.

ТРИПС битимида давлатлар муаллифлик ҳуқуқига оид «Фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги 1886 йил Берн ва «Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва кўрсатув органлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги 1961 йилдаги Рим конвенцияларига аъзо бўлган мамлакатлар учун очиқ эканлиги таъкидланади. Чунончи, давлатлар ҳудудида миллий қонунчиликдан ташқари, бир вақтнинг ўзида ҳам халқаро конвенциялар, ҳам ТРИПС битими меъёрлари ҳаракатда бўлади. Бундай ҳолда мамлакат ичкарисида муаллифлик ҳуқуқига оид содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик бир вақтнинг ўзида ҳар икки халқаро тизим орқали таъқибга олинади ва бузилган

ҳуқуқлар ҳаракатда бўлган меъёрлар орқали тикланади. БСТ битимларининг амалга киритилиши ҳар қандай давлатнинг миллий қонунчилигини уларнинг қоида ва талабларига мослаштиришни, қулай ҳимоя тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунларни яратиш орқали қонунчиликни мавжуд халқаро меъёрларга яқинлаштиришга ҳаракат қилинди. 1994 йил 5 май куни «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида», 1995 йил 22 декабр куни «Шаҳарсозлик ва архитектура тўғрисида», 1996 йил 24 апрел куни «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», 1996 йил 30 август куни «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», 1996 йил 30 август куни «Ноширлик фаолияти тўғрисида», 1997 йил 25 декабр куни «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», 1998 йил 26 декабр куни «Реклама тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонунчилик тизими яратилганидан далолат беради. 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган янги Фуқаролик кодекси эса бу соҳада муҳим қонунчилик асоси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг IV бўлими интеллектуал мулкка оид муносабатларни тартибга соладиган меъёрлар билан мустаҳкамланганлиги муаллифлик ҳуқуқига катта эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Муаллифлар ҳуқуқларининг бир неча қонунлар орқали ҳимоя қилиниши уларнинг конституцион ҳуқуқларининг кафолатини таъминлайди. Янги Кодексининг 59-61-боблари (1031-1081 моддалар)да муаллифларнинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлари, муаллифлик шартномалари, муаллифлик ҳуқуқининг субъект ва объектлари, ҳимоя муддати, турдош ҳуқуқлар субъектлари бўлган ижрочилар, телерадио органлари, ижро ёзувини амалга оширувчи шахслар ҳуқуқларининг берилиши орқали қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга яқинлаштирилди. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда эса муаллифлар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг ҳуқуқлари янада кенгроқ белгиланди. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси, асар қисмлари ва ҳосила асарлар, хизматга доир асарлар, ҳаммуаллифлик, фильм ва интервью муаллифлари, муаллифлик ҳуқуқининг чекланиши, муаллифлик ҳуқуқларини бошқариш каби янги қоидалар алоҳида меъёр сифатида белгилаб қўйилди.

Ижодий фаолият натижаси бўлган маҳсулотлар кўпинча ғоявий-номоддий кўринишда бўлади. Шу сабабли уларга нисбатан одатдаги ашёга, моддий объектга оид ҳуқуқ меъёрларини қўллаб бўлмайди. Муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик эса ушбу масалани бевосита ҳал этади. Қонунчиликда муаллифнинг шахсий ҳуқуқларига катта ўрин берилган. Шахсий номулкий ҳуқуқлар фақат муаллифга тегишли бўлиб, у бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас. Шахсий мулкий ҳуқуқлар эса ўзгаларга фақат ҳуқуқ эгасининг хоҳишига кўра, миллий қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва халқаро шартномаларда белгиланган «миллий тартиб» принципи асосида ўтказилади. ТРИПС битимида «миллий тартиб» принципи

энг асосий ўринни эгаллайди. ТРИПС доирасида хорижий муаллифларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётганда республикамиз қонунчилиги меъёрлари қўлланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида республикамизнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади. Бу қоида хорижий муаллифларнинг республикамиздаги муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини тартибга солади ва ўртада келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай келишмовчиликни олдиндан бартараф этади. «Миллий тартиб» принципининг мазмуни шундан иборатки, бунда ҳар қандай давлат ҳудудига чет эл муаллифлари асарлари муаллифлар ёки уларга тенглаштирилган шахсларнинг махсус рухсат беришлари (лицензия) орқали олиб кирилади.

ТРИПС битимидаги асосий талаблардан бири асарларни лицензия орқали мамлакат ичкарисига олиб кириш ва киритилган ҳар қандай асардан фойдаланишнинг тартиби, муддати, ҳудуди, вақти ва тўланадиган муаллифлик ёки ижрочилик ҳақларини ундириш, йиғиш ва тақсимлаш, ҳуқуқ эгаси яшаб турган мамлакатга ўтказиб юбориш каби ҳаракатларнинг алоҳида ҳисобга олинишидир. Халқаро шартноманинг ҳар бир аъзоси бўлган давлат муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси асарининг дахлсизлигини таъминлаши ва муаллифлик ҳуқуқига тўлиқ ҳимоя қилиши лозим бўлади. Хорижий муаллифлар асарларидан мамлакат ичкарисида фойдаланганда бундай муносабатларда банк, молия, божхона, чегара, транспорт ва ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолияти кучайтирилади.

Амалда хорижий муаллифларнинг муаллифлик ҳуқуқларини мамлакат ичкарисида якка тартибда ҳимоя қилиш эмас, балки жамоа асосида ҳимоя қилиш ёки бошқариш тартиби кенг қўлланилмокда. Чунки чет эллик муаллифнинг муқим ёки доимий равишда давлатлар ҳудудида бўлмаслиги унга тегишли ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёки бошқаришга кенг имкон бермайди.

Хорижий муаллифнинг мулкий ҳуқуқларини бошқариш мақсадида, уни якка тартибда амалга ошириш қийин бўлган ҳолларда (оммавий ижрочиликда, радио ва телевидениеда, асардан механик, тасма, магнитли ёки бошқа ёзувли усулда фойдаланилганда, репродукция қилинганда ёхуд бошқа ҳолларда) кўрсатилган шахсларнинг тегишли ҳуқуқларини жамоа асосида бошқарувчи ташкилотлар ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартнома асосида ўзларига берилган ваколатлар доирасида муаллифлар ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг манфаатларини ифода этадилар. Бундай ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасида асарлардан фойдаланишнинг тегишли усуллари учун берилаётган лицензиянинг шартлари бир тоифадаги барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлмаслиги керак ва етарли асослар бўлмай туриб, лицензия беришни рад этиб ҳам бўлмайди.

Агарда ТРИПС битими меъёрларини таҳлил этадиган бўлсак, лицензия муаллифлик шартномаси эмас, балки мажбурий характерга эга бўлган рухсат бериш ҳужжати эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳақиқатан ҳам лицен-

зия шартномаси муаллифлик шартномасидан маълум бир вақтгача ва маълум доирада амал қилиши билан фарқланади. Лицензия шартномаси муаллифлик ҳуқуқи амал қилиши муддатидан кўп бўлмаган вақт давомида амалда бўлади. Республикамиз қонунчилигида асар муаллифи ёки меросхўрлар лицензия шартномасига муддат тўғрисидаги шарт киритилганлиги ёки киритилмаганлигидан қатъий назар, шартнома тузилган санадан бошлаб ўн йил ўтгандан кейин ўз контрагентини камида олти ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Қоида тариқасида муаллиф ёки меросхўрларда бундай ҳуқуқ ҳар ўн йилда вужудга келади.

Лицензия шартномалари мажбурий характерга эга бўлиб, унинг талаблари тўлиқ бажарилиши лозим. Мажбурий лицензияга кўра муаллифлик ҳуқуқи эгаси учинчи томонга асардан фойдаланишга рухсат беришга мажбур бўлади. Умуман олганда, лицензия шартномасига кўра муаллифларнинг мулкий ҳуқуқлари бошқа шахсларга ўтказилади.

Лицензия шартномаларини нашрлик-матбаа асарлари, аудио-видеоёзувлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ҳамда ахборотлар базалари учун бериладиган турларга ажратиш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда у ёки бу фаолият билан шуғулланиш учун лицензия олиш тартиби ўрнатилган. Бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрелдаги Қарори билан тартибга солинади. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида кино-видео фаолият билан шуғулланувчилар «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компаниясидан, концерт-гастрол фаолияти, эфир орқали эшиттириш, кўрсатув бериш ва кабел орқали узатиш фаолияти билан шуғулланувчилар эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги махсус комиссиядан тегишли лицензиялар оладилар. Муаллифлик ҳуқуқида фаолият билан шуғулланишда лицензия олишдан кўра асарлардан фойдаланишда албатта лицензия олиш талаб этилади.

ТРИПС битимига кўра у ёки бу фаолият билан шуғулланиш учун юридик ёки жисмоний шахсларнинг олдиндан албатта лицензияга эга бўлишлари талаб этилмайди. Вазирлар Маҳкамасининг фаолият билан шуғулланиш учун берадиган лицензиялари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг тегишли муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоясини унчалик таъминламайди. Унинг устига лицензия фақат юридик шахсларга берилмоқда. Қонунчилик ва халқаро конвенциялар, хусусан, ТРИПС битимида шахсларга фаолият билан шуғулланиш учун эмас, балки асарлар (муаллифлик ҳуқуқининг объектлари)дан фойдаланишда лицензия олиш талаб қилиниши қатъий меъёр сифатида белгилаб қўйилган. Агарда республикамизда ҳар қандай асардан фойдаланишда лицензия расмийлаштириш тартиби жорий этилганда эди амалда ҳаракатда бўлган барча соҳа қонунлари ижроси таъминланган бўларди. Чунки муаллифлик ҳуқуқининг асосий ғоясини асардан ҳуқуқ эгасининг рухсати билан фойдаланиш ва асарлар дахлсизлигини таъминлаш ташкил этади.

Асардан фойдаланишда лицензия тартибининг жорий этилиши асарларнинг репертуар базаларини яратиш, улардан тизимли фойдаланиш, миллий ва хорижий асарлар рўйхатини юритиш, асарларни чегарадан қонунсиз олиб кириш ва олиб чиқишни тўхтатиш, улардан қонунсиз фойдаланишнинг олдини олиш, фойдаланиш натижасида олинаётган даромадларни аниқлаш, ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳақларни солиққа тортишни такомиллаштириш асарлардан ошкора фойдаланишга олиб келади.

БСТ битимларининг асосий мақсади унга аъзо-давлатларда эркин иқтисодий, савдо зоналарини яратиш, чет эл инвестициясининг эркин айланишини таъминлаш, товар айирбошлашни кенгайтириш, халқаро бозорни шакллантириш, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланган товарларни ҳам кўплаб ишлаб чиқариш, уни тарқатиш ва даромад олишдан иборатдир.

Лицензия асосида хорижий мамлакатлардан олиб келиниб таржима қилинган, ёзиб олинган, нусха кўпайтирилган асарлар бошқа (учинчи) мамлакатларга тижорат мақсадларида ёки ижара объекти сифатида чиқарилиши мумкин эмас.

Муаллифларнинг хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқий ҳолати ўша мамлакатнинг миллий қонунчилиги билан аниқланади. Хорижий муаллифнинг барча ҳуқуқлари бир вақтнинг ўзида ҳам миллий қонунчилик билан, ҳам халқаро шартномаларнинг меъёрлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистоннинг БСТга кириши республиканинг ташқи бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга, импорт салоҳиятининг янада ошиши, товарларнинг ноқонуний сотилишдан ҳимоя этилиши, ташқи инвестициянинг мамлакатга эркин киритилиши, ишлаб чиқариш, савдонинг кенгайиши, ишсизликнинг нисбатан камайиши, низоларни ҳал этишда қулай тизимнинг яратилиши, маъмурий буйруқбозликнинг камайиши, ялпи даромаднинг ошишига олиб келади. Ташқи бозорга чиқиш эса бошқа давлатлар каби республикамиз учун ҳам ўта муҳимдир. Чунки бозор иқтисодиёти қонуниятлари нафақат мамлакат ичкарисида, балки мамлакат ташқарисида ҳам олиб бориладиган устувор, мўътадил ва узоқ муддатли алоҳида сиёсат юритишни талаб қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон БСТга аъзо бўлиш учун ҳуқуқий, иқтисодий, халқаро масалаларга оид ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширмоқда. Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр куни қабул қилинган 415-сонли Қарорининг аҳамияти каттадир. Мазкур Қарорга кўра, Европа Иттифоқи ва унинг аъзо-давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги Битимнинг амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Ҳукуматининг 1999-2005 йилларга мўлжалланган комплекс Дастури тасдиқланди. Қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 июл кунидаги № 328-қарор билан тузилган идоралараро комиссия республика мувофиқлаштирувчи кенгашига айлантирилди. Кенгаш зиммасига йилнинг ҳар чорагида Ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги Битимнинг барча модда ва қоидалари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида ахборот бериб бориш юклатилди. Шунингдек, Дастурда Ўзбекистоннинг энг муҳим халқаро шартнома ва битимларга аъзо бўлиб кириши би-

лан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди. Дастурнинг 8- ва 9-бўлимларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид бўлган миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни халқаро меъёрларга мослаштириш, халқаро конвенцияларга аъзо бўлиб киришдаги бирламчи вазифалар, соҳа идораларининг ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва бошқа шу каби муҳим масалаларда тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланди. Ўзбекистон Ҳукумати халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳозирги кунда ана шу Дастурда белгилаб олинган режа ва тадбирлар орқали ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Айниқса, муаллифлик ҳуқуқига оид республика қонунчилигини 2001 йил охиригача Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ва БСТ томонидан маъмурий бошқаруви амалга оширилаётган халқаро конвенциялар қоидаларига мувофиқлаштириш қарорнинг 9.4-бандида алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Республика ҳукумати ҳузурида барча манфаатдор вазирликлар, давлат органлари, идора ва ташкилотлар, мутахассислар томонидан ушбу соҳада берилаётган таклифларни умумлаштириш, ягона стратегик сиёсатни белгилаб олиш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни кучайтириш, комплекс тадбирларни ўтказиб бориш мақсадида доимий ишлайдиган жамоатчилик ишчи гуруҳи тузилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида ана шу масала билан доимий равишда шуғулланувчи махсус бўлинмалар ёки мувофиқлаштирувчи комиссиялар ташкил этилган. Бу тузилмалар таркибига нафақат бир мамлакат мутасадди ташкилотлари вакиллари, балки халқаро ташкилотлар экспертлари, сиёсатчилар, бетараф мутахассислар киритилган. Бундай тузилмалар ўтказаётган барча тадбирлари хақидаги маълумот ва ҳисоботларини жаҳон жамоатчилигига етказиб боради. Масалан, Интеллектуал мулк Халқаро Альянси (МАИС) шундай ташкилот ҳисобланади ва ўзининг таркибига 130 дан ортиқ интеллектал мулк ҳимояси масалалари билан шуғулланиб келаётган йирик ташкилот ва компанияларни бирлаштирган халқаро нодавлат ташкилотдир. МАИС ўтказган тадқиқотлардан мисол келтирадиган бўлсак, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Мамлакатларида (Россиядан ташқари) ЭҲМ дастурлари бўйича ҳуқуқбузарлик оқибатида 1998 йилда 34,1 миллион АҚШ доллари миқдорида ички савдога зарар келтирилган, ҳуқуқбузарлик 93 фоизга етган.

Бугунги кунда солиқ билан боғлиқ алоҳида сиёсат юритиш давр талабидир. Яъни, муаллифлик ҳуқуқи объектларини яратиш ва ундан турли кўринишда фойдаланиш натижасида олинаётган даромадларни аниқлаш, тегишли солиқ қоидаларига асосан солиққа тортиш тартибини жорий этиш, ноқонуний фаолият кўрсатаётган корхона ва хўжалик субъектлари фаолиятига чек қўйиш лозим. Мамлакат ички бозорини ноқонуний ишлаб чиқарилган аудио-видео ва бошқа маҳсулотлардан тозалаш, маҳсулотлар савдосини алоҳида тизимга айлантириш керак бўлади. Зеро, бу амалий тадбирларнинг ўтказилиши республикамизнинг БСТга аъзо бўлишида ижобий рол ўйнайди.

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ВА ИСТИҚЛОЛ

Х.А. ЗИЁВУТДИНОВА,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Халқлар тарихида шундай даврлар бўладики, унда халқнинг истеъдод даражаси, ақлу қобилияти жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшади. Бундай даврларнинг аҳамияти буюк арбоблар, илм эгалари, мутафаккирларнинг фаолияти ва қолдирган мероси билан ўлчанади.

Бизнинг халқимиз тарихида бундай давр IX-XIII асрлардаги Уйғониш даври ва унинг маданияти бўлди. Бу даврдаги Ўрта Осиё халқларининг маданияти дунё маданиятида муҳим ўринни эгаллайди. Ўрта Осиё халқларининг қўлга киритган маданий ютуқлари, илм-фан соҳасидаги янгиликлар дунё илм-фани ривожининг ажралмас қисмини ташкил этади. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Фирдавсий, Рудакий, Ал-Бухорий, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий кабилар ана шу давр вакилларидир. Ўрта Осиёда бу даврда улар араб, форс, туркий тилларда ижод этганлар. Уларнинг асарлари Шарқ ва Ғарбнинг турли бурчакларига етиб борган.

Марказий Осиёнинг буюк сиймолари, олим ва мутафаккирлар инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшиб, айниқса, маънавий маданиятнинг турли соҳаларини ривожлантиришда бой ва оламшумул аҳамиятга эга бўлган мерос қолдирдилар. Бу меросни ўрганиш, ёш авлодларни унга тегишли анъаналари руҳида тарбиялаш ва ҳозирги даврда Ватанимиз илғор тараққиёти катта аҳамиятга эга.

Шарқ Уйғониш даври забардаст алломаларининг илмий изланишлари, фанлар тараққиётидаги фидокорона меҳнатлари нафақат қадимги Шарқ антик илмий-фалсафий анъаналарини тиклади, балки дунё илм-фани, фалсафаси ривожланишига ҳам улкан ҳисса қўшди. Бу буюк ҳисса Ғарбдаги Уйғониш даври кашфиётларининг, илмий-фалсафий таълимотларнинг янада ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди.

"Оврупо Ренессанси" тарихи тараққиётида ёрқин ўзгаришлар маданий кўтаринкилик билан боғлиқ. Бундан ташқари, ренессансга оид бир қанча омиллар ҳам мавжуд:

- ўтмишдаги илғор меросга бўлган муносабат, уни ўрганиш ва ўзлаштириш;
- табиий фанларнинг кенг ривож топиши ва уларни таснифлаш;
- оламни илмий билишдаги янгича усулларни ишлаб чиқиш, ўтмишдаги меросда бўлган рационалистик йўлни давом эттириш, мантиқий билимларга эътибор бериш, мантиқий қоидаларни ижодий ривожлантириш;
- инсонга янгича қараш ва унинг моҳиятини ҳамда бурчини белгилаш;
- инсонда эркин фикр масаласини кўтариш ва умуман, инсонпарварлик майлларига эътибор бериш;

- илғор сиёсат юргизишда иштирок этиш.

Қайд этилган қоидаларга кўра Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам (бошқа Шарқ донишмандлари қаторида) ўрта асрларда ижод қилдилар.

Буюк алломаларнинг тарих саҳнасига кириб келиши ва Ренессансни барпо этиши тасодифий бўлмаган. Шу давргача инсоният эришган маданият ва фан тараққиёти, ижтимоий, сиёсий, маданий вазият, IX асрдан бошлаб давлат ҳокимларининг кўпчилиги илм ривожига ҳомийлик қилиши уларнинг бой ва кўп қиррали ижодлари учун замин яратди.

Буюк сиймоларнинг илмий меросларини ғоят ранг-барангдир, табиий фанлар билан бир қаторда тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик ва бошқа йўналишлар ҳам ривож топди. Янгича дунёқараш, янгича йўналишлар барпо этилди.

Бу ўринда диний-илоҳий таълимотни ривожлантирган ал-Ашъорий ва Мотуридий фиқх таълимотининг буюк намояндалари Имом ал-Марғиноний, Каффол аш-Шоший, ҳадисшунослик илмининг устозлари Бухорий, Термизийларни тилга олиш мумкин.

Бу даврда тарих саҳнасига Хоразмий ва Фарғоний келдилар. Уларнинг илмий мероси математика, география, астрономия соҳасида янги саҳифа очди. Уларнинг илмий изланишлари, Коинотнинг гелиоцентрик таълимотини вужудга келтиришдаги, оламнинг янгича илмий фалсафий суратларини яратишдаги хизматлари каттадир: табиий фанларнинг соҳаларига асос солиб, фанларнинг таснифини баён этганлар.

Шу билан бирга уларнинг ижодида фалсафа фанининг мустақил ҳолда талқин этилганлиги диққатга сазовордир. Улар билишнинг янгича, илғор усулларини асослаб бердилар, айниқса, табиатни ўрганишда тажрибавий-индуктив усулни илгари сурдилар. Фалсафада оламнинг моҳиятини англашда фикрлашнинг турли усуллари ва шаклларини ишлаб чиқдилар.

Улар ўз эътиборларини мантиқ фанига ҳам қаратган эдилар. Форобийни "Алмантиқий" деб аташган ва уни "иккинчи муаллиф" деб ҳисоблаганлар. Форобий «Мантиқ» китобида, Ибн Сино "Китоб аш-Шифо"да мантиқий тафаккурнинг асосий шаклларини ишлаб чиқдилар.

Ренессансга оид бўлган рационализм уларнинг ижодида етакчи ўринни эгалайди. Форобий "Ақл маънолари ҳақида" рисоласида ақлни фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват деб билган. Ақлпарварлик ғоялари инсонпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқдир. Буюк ватандошларимиз инсон ақлига юксак баҳо бериш билан бирга, олимларга бўлган муносабат масаласини қўйишади. Уларнинг илмий-тадқиқотига тегишли шарт-шароитлар яратиш давлат арбобларининг асосий вазифаси деб билишган. Иккинчи томондан олимлар ҳам ўз ижодиётини халқнинг фаровонлигига бағишлаши лозим деб билган.

Уларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган хизмати шуки, диний илмлар билан дунёвий билимлар яқинлаштирилган. Бу эса оламни янгича фалсафий тушуништиришга олиб келган. "Вужудий вожид" ва "вужудий имкон" тушунчалари сабабий боғланишда ифода этилади. Бундан илоҳиёт ва моддий олам бири иккинчисига нисбатан қарама-қарши бўлмай, балки бир-

галикда бир бутун ягона борлиқни ташкил этадилар. Оламнинг пайдо бўлиши аста-секин амалга ошадиган жараён бўлиб, бу жараён муайян сабабий боғланиш муносабатлари аниқ изчилик ва зарурият асосида рўй беради.

XIII-XIV асрларга келиб Мовароуннаҳрда Ренессанснинг иккинчи даври амалга ошди. Бунга асосий сабаблар бўлиб - мустақил давлатчилик амалга оша бориши темурийларнинг марказлашган ягона давлат тараққиёти ва темурий ҳокимларнинг маърифат ва маданият ривожига қулай шароит яратилиши, катта шаҳарлар ривожининг давом этишидир.

Бундай омиллар асосида маънавият-илм соҳасида янги, салмоқли ютуқларга эриша борилди, маданий муассасалар бўлган мадраса ва расадхоналар, меъморчилик ва рассомчилик, илмий мактаблар тараққий эта борди.

Янги дунёвий маданият кенг ривожланди. Улугбекнинг астрономик мактаби шаклланди. Бунга энг салобатли, нуфузли Қозизода Румий, Мавлоно Аҳмад, Риёсиддин Қоший, Али Қушчи, Камолиддин Қошибий, Тафтазоний ва бошқа юздан ортиқ адиблар, рассомлар, меъморчилар қатнашган эди. Улуғбекнинг ўзи буюк математик, астроном, тарихчи ва адабиётшунос бўлиб ўтганлиги маълум. У ташкил этган расадхона ўша даврда энг йирик ҳисобланган, ҳақиқий фанлар академияси каби маълум бўлган.

Умуминсоний аҳамиятга молик ғоялар ва асарлар адабиёт соҳасида Луторий, Биноний, Самарқандий, тарихда Н.Шомий, Мирхонд, Хондамир номлари билан боғлиқ.

Улуғ зотларимиз ижодиёти олдин ўтган Шарқ ва Ғарбнинг илғор, инсонпарвар, илмий-фалсафий меросини давом эттириб ўзларига хос, дунёвий ва тасаввуфий мазмундаги ғояларни бир бутун тизим доирасида ифодалашди.

Навоий - йирик қомусий олим, мутафаккир, бутун дунёга донғи кетган шоир ва маърифатининг серқирра ижоди бир қанча буюк асарларда баён этилган. "Ҳайратул аброр", "Сабаи сайёр", "Садди Искандарий" ва бошқа ўнлаб достонларида ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий қарашлари оламнинг яратилиши, инсон ҳаётининг мақсади, унинг тақдири ҳақидаги мушоҳадалари ўй-фикрлари бой фалсафий маънога эга. "Хайратул аброр"да руҳнинг аваллилиги, унинг яратувчилик қобилияти, илоҳиёт, Коинот ва инсон ўртасидаги боғланишлар ифодаланган ва "Вахдат-ул-вужуд" номи билан аталган.

Абдураҳмон Жомийнинг "Искандар доно китоби", "Маънолар нақши" асарларида ана шу қоида "зарурий вужуд" атамасида ифодаланган. Қандай иборалар ишлатилмасин оламнинг бир бутунлиги руҳий бирлигида деб билганлар, худони нурга ўхшатиб, Форобийга хос бўлган пантеистик фикрларни давом эттирдилар. Бу ғоялар тасаввуф қоидаларига ўралашиб кетган. Оллоҳ, илоҳиёт ботинан яширингандир, уни кўриш, билиш мумкин эмас, у зоҳиран моддий оламдаги турли ходисаларда жилваланади, ўз гўзаллигини ошкор этади.

Мир Сайд Шариф Журжоний, Анвар Қосимий, Саъдуддин Тафтазоний ижодларида Оллоҳ борлиқнинг биринчи сабаби бўлиб, у яратган шу олам

билан ягоналикни ташкил этиши ҳақидаги ғоялари умуман сабабият ҳақидаги қарашлари билан ривожланиб боради: табиатдаги ҳамма нарса, ҳодисалар сабабсиз келиб чиқмайди. Демак, илоҳиёт ва сабабият тўғрисидаги илм бир-бирига зид эмаслиги таъкидланади.

Бу даврдаги фалсафий қоидалардан яна бири ўлкадаги олдинги рационалистик йўл давом этади: инсон ақли ёрдамида олам сирларини, моҳиятини била олишга қодир. Журжонийнинг "Дунё акс эттирувчи кўзгу", Тафтазонийнинг "Калом мантиқасини тузатишлар" асарларида ақлий фикрлашга оид масалаларни кўтаришади. Анвар Қосимий эса, "Билим ҳақида" асарида мантиқий тушунчаларга тўғри таъриф бериб ўтади. Навоий ва унга яқин замондош донишмандлар инсон ва унинг манфаатлари оламнинг энг қимматлиси деб билганлар. Эътиборга сазовор қарашларидан бўлган масала инсонга бўлган конкрет-тарихий ёндашишдир. Инсон ижтимоий муҳит томонидан белгиланган, у ёки ҳақиқий инсон, ёки зулмдор бўлиши мумкин. Навоий севган инсон меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-корини мукаммал эгаллаган, ўз меҳнати ва интилишлари билан ўзига ва ўзгаларга бахт-саодат ва манфаат етказувчи инсондир. Инсонларнинг ўз тутган ўрнига ва қилмишига қараб бир-биридан ажратади. Лекин тасаввуфдан фарқли равишда инсон ҳаётининг мазмуни - реал борлиқдаги бахт-саодатидир. У Оллоҳ берган ҳаётни қадрлаш лозимлигини таъкидлайдилар.

Ўрта Осиё мутафаккирларига хос бўлган асосий қоидалардан бири - инсон бахти-саодатини амалда кўзлайдиган маърифатпарвар, адолатли ҳоким. Масалан, Навоий фикрича, давлат ва ҳокимият жамиятидаги инсоннинг манфаатини кўзлаган тартибни ўрнатиши, фуқаролар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиши ва инсонлараро адолатли муносабатларни барпо этиши лозим.

Масалан, "Ажам подшолари тарихи", "Мактублар" асарларида зулм-истибдоддан нолиб, ризолат ва жаҳолатни қоралайди, бадбин, риёкор, ҳийлакор шоҳ ва бекларнинг ғаразгўй ниятларига, бойларнинг ғайриинсоний тартиб-қоидаларига қарши туради. Ёмон хислат ва одатларни ошкора этиб, ҳақсизлик ва жаҳолатга қарши ҳамла қилади.

Гуманизм, адолатпарварлик, халқпарварлик ва айниқса ватанпарварлик каби илғор қарашлар Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва шулар қаторидаги сиймолар ижодиёти ва фаолиятига тааллуқлидир. Энг муҳими улар тарғиб этган ғоялардан - мамлакатни бутунлиги ва бирлиги учун кучли ва маърифатли ҳокимият зарурлигидир.

Форобий "Ақл маънолари", "Илм ва санъатнинг фазилатлари" рисолаларида ана шундай масалаларни қўйган инсон ҳақида ёзганларида унга оид нафақат ақл ва билим, балки ахлоқий, фазилатли, адолатли хусусиятлар билан ажралиб туриши лозим деб уқтиради.

Ибн Сино ўз навбатида ижтимоий ҳаётни тўғри, адолатли тизимига чақиради, инсонларни ахлоқан покликка, маънавий камолотга эришувини қўллайди. Ижтимоий тизимда турли табақалар бўлишини зарур деб билади, улар ўртасидаги муносабатлар давлат қоида ва қонунлари ёрдамида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам асосида бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Беруний ҳам шундай ижтимоий қоидаларни қўллаб, турли муддатлар ва турли диний эътиқолардан қатъи назар, халқлар ўртасида бир-бирлари билан дўстона биродарлик бўлишини истаган. "Минералогия" асарида ҳар бир жамиятдаги табақалар меҳнатнинг маълум турлари билан шуғулланиши керак. Лекин одил давлатнинг асосини - деҳконлар, хунармандлар ташкил этади, чунки уларнинг меҳнати эвазига жамият аъзоларининг эҳтиёжлари қониқтирилади. Шунинг учун адолатли жамият меҳнаткаш аҳоли ҳақида ғамхўрлик кўрсатиши лозим.

Машҳур ватандошларимиз фаолиятларида илм-маърифатчилик билан чегараланмасдан инсонпарварликни амалиётга тадбиқ этишда фаол иштирок этганлар, давлат бошқаришни адолатли йўлга қаратишга жалб этишда муҳим роль ўйнаганлар. Ижодий ишлари бўйича Марказий Осиёнинг машҳур олим ва мутафаккирлари маънавий маданиятнинг кўп соҳаларида ижод этиб, барча билим соҳасига эътибор бериб салмоқли тадқиқот ишларни олиб бордилар ва дунё фанига ва умуман инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшдилар. Улар маънавий маданиятнинг турли соҳаларида амалий тараққиётда бой ва оламшумул аҳамиятга эга бўлган мерос қолдирдилар. Бу меросни ўрганиш, ёш авлодларни унинг қимматли анъаналари руҳида тарбиялаш ва ҳозирги даврда Ватанимизнинг илғор тараққиёти йўлидаги вазифаларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. 70 йил давомида ёшларимизнинг кўплари миллий маънавий бойлигимиз у ёқда турсин, ўзбек она тилини унутиб юборишларига оз қолган эди. Уч-тўртта маълум бўлган сиймоларимизни билардик, холос. Лекин хорижий мамлакатларда бир қанча қўлёзмалари авайлаб сақланиб келган, улар ҳақидаги маълумотларга эга бўлганлар. Бизнинг халқимиз эса, буюк алломаларимизнинг қимматбаҳо ва салмоқли ижодиётларидан маҳрум бўлганлар.

Олдинги тарихий даврларда эришилган илмий-маънавий ютуқларини фаол ўзлаштириш ва давом этиш эҳтиёжи туғилиши ва бартараф этилиши ҳозирги кунда истиқлол мафкурасини, унинг асосидаги миллий ғояни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Буюк сиймоларимиз яратган антик ижодларини ўрганиш, кўпроқ асарларини ўзбек тилига кўчириш талабаларимиз, илмий ва ўқув юртларидаги ходим ва ўқитувчилар чуқур ўрганиши долзарб масалалардан биридир.

Ёшларимиз буюк ватандошларимизнинг бой маънавий, шу қаторда фалсафий ва илмий меросларини чуқур ўрганса, комил инсон сифатида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, ўз Ватанига фидокор бўлишларини таъминлайди.

ЭВОЛЮЦИЯ СЕКУЛЯРИЗМА В ИНДИИ

М.А. АБДУРАЗЗАКОВА,
преподаватель УМЭД

«Секуляризация» (от латинского слова "secular" - «мирской») это процесс приспособления религии к светскому образу жизни, обновленное соотношение религии и политики. Секуляризация общества на Востоке чрезвычайно сложный и противоречивый процесс, имеющий в различных странах Востока свою специфику.

Многие политологи называют Республику Индия образцом «азиатской демократии, парламентаризма и секуляризма». Индия - одно из древнейших и крупнейших государств мира - многонациональная страна многих религий. Согласно официальным данным 1998 г., в Индии - федеративной, светской, демократической республике - проживает 976 млн. человек, представленных 500 национальностями и племенами, говорящими на 1652 языках и диалектах. В этой поликонфессиональной стране 82,6% населения исповедуют индуизм, 12,1% - ислам, 2,24% - христианство, 1,9% - сикхизм, 0,76% - джайнизм и 0,40% -другие религии. Индийская модель секуляризма, сложившаяся после достижения страной независимости, многопланова и противоречива, характеризуется специфичной динамикой развития в поликонфессиональном обществе, оригинальностью и своеобразием концепций.

Провозглашение Индии Республикой в августе 1950 г., приход к власти ИНК во главе с его лидером Дж. Неру стал поворотным моментом в истории страны. Индия стала независимым федеративным демократическим, светским государством. Конституция страны, учитывая специфику Индии, ее поликонфессиональность, имеет специальный раздел: «Право на свободу религии». В ст. 25 о свободе совести и свободе исповедания религии, отправления религиозных обрядов и религиозной пропаганды подчеркивается, что «все лица имеют равное право на свободу совести и право свободно исповедовать религию, отправлять религиозные обряды, вести религиозную пропаганду». Каждая религиозная секта или ее часть имеют право свободно управлять своими делами, создавать и содержать учреждения для религиозных благотворительных целей, владеть и приобретать движимое и недвижимое имущество и управлять им в соответствии с законом. Верующим гарантируется свобода от уплаты налогов «в целях содействия какой-либо определенной религии», свобода посещения уроков религии или богослужения. Вместе с тем в ст. 28 п. 1 говорится, что «Никакое преподавание религии не должно иметь места в учебных заведениях, полностью содержащихся за счет государственных средств». Тем самым в Конституции провозглашается одна из основных концепций секуляризма - отделение религии от государственного образования. Вместе с тем п. 2 не запрещает вести преподавание религии в частных школах при условии согласия самого совершеннолетнего или его опекуна[1]. Конституция Индии отражает сбалансированные отношения между политикой секуляризма и религией, исходя из специфических условий страны - плюрализма религий. Государство, будучи светским, не связано ни с одной религией и в Конституции разрешается гражданам исповедовать любые религии, как индивидуально, так и коллективно. При наличии общего гражданского кодекса Конституция разрешает религиозным общинам соблюдать свои религиозные законы. При численном доминировании индусов в Конституции большое внимание уделяется правам меньшинств, проблеме ликвидации кастовой системы и ее иерархии. Индийская Конституция представляет собой своеобразное сочетание государственного секуляризма и религиозности гражданского общества.

Индийский секуляризм неотделим от демократии. Подтверждением этому также является Конституция страны. В преамбуле Основного закона говорится, что страна является «суверенной демократической республикой» и государство гарантирует всем гражданам справедливость (социальную, экономическую и политическую), свободу мысли, выражения мнений, убеждений, вероисповедания, культов, равенство положений и возможностей и будет способствовать «распространению среди людей братства, обеспечивающего достоинство личности и единство наций»[1]. Демократический принцип заложен и в самой структуре государства, которое представляет собой федеративную республику, состоящую из 25 штатов и 7 союзных территорий.[2]

Многопартийность политической системы Индии в условиях поликонфессионализма является характерной особенностью политического, демократического процесса. Она оказала огромное влияние на эволюцию политики секуляризма в Индии, поскольку все политические партии, независимо от их идеологических концепций, принимают активное участие в политической жизни общества, в борьбе за власть. В индийской Конституции нет положений, ограничивающих участие общинно-религиозных партий в политической жизни общества.

Следовательно, Конституция Индии в целом является демократической и носит секуляристский характер, хотя термин «секуляризм» в ней не упоминается и определение «светская республика» дано лишь один раз. Все попытки последующих политических лидеров (после Дж.Неру) изменить преамбулу или ст. 366 и внести в Конституцию соответствующие изменения, характеризующие Индию как секуляристское государство, пока оставались безрезультатными. Так, например, в 1976 г. в период нахождения у власти Индиры Ганди было принято решение ввести поправку к закону к ст. 366 и характеризовать страну как «демократическое, секулярное государство». Поправка нашла одобрение в Нижней палате парламента, но не была утверждена в Верхней палате парламента, причем в условиях, когда ИНК в то время обладал большинством мест (2/3)[3]. В последующие годы этот вопрос неоднократно поднимался на заседаниях палат парламента, а также в речах лидеров страны. Одни предлагали внести поправку, характеризующую Индию как «секулярный, Федеральный Союз штатов», другие - изменить Преамбулу Конституции и ввести слова «Во имя Бога», что вызвало массовое возмущение парламентариев, расценивших их как нападку на Конституцию страны, не соответствующую секуляристскому духу основного документа

[1] Конституция Индии, М., 1956. - С. 68-69.

[1] Конституции Индии. Преамбула. - С. 53, 55.
[2] Страны мира. Справочник, 1999. - С. 145.

[3] Madan T.N. Modern Myths, Locked Minds. Secularism and Fundamentalism in India. Oxford, 1998, - P. 243.

государства»[1]. Выступая в Колумбийском университете, Индира Ганди отмечала: «Политика нашего правительства направлена на то, чтобы обеспечить народу возможность пользоваться правами, которые дает ему Конституция ... Мы говорим, что в общем мы являемся секулярной демократией. Но секуляризм в Индии не означает, что мы против религии: это попросту означает, что у нас нет государственной религии, что все религии народов, населяющих нашу страну, будут в равной мере почитаться и пользоваться уважением»[2]. Секуляристский подход к решению религиозно-общинной проблемы в Индии отражает демократическую, патриотическую сущность устремлений большинства ее лидеров и определенных слоев населения.

Вместе с тем во многом противоречивый процесс развития секуляризма в стране отражает исключительную устойчивость религий, традиционных институтов в жизни общества. Так, российские исследователи Р.А.Ульяновский и В.И.Павлов отмечали, что причина этого явления «кроется не столько в прочности субъективных представлений и «подходов» и даже не в бесспорно важной роли массовой психологии, сколько в том, что эти институты продолжают выполнять ряд важнейших социальных функций, поскольку новый функциональный механизм еще не сложился и еще не приобрел достаточного авторитета»[3]. С этим нельзя не согласиться. Именно это является одним из факторов, который используют определенные политические силы в стране для разжигания религиозных, межобщинных конфликтов, угрожая единству, стабильности и безопасности в государстве.

В 1993 г. на заседании парламента представители ИНК вновь предложили внести поправку в Конституцию страны и включить в одну из ее статей определение секуляризма как государственной политики, отражающей равное уважение ко воем религиям[4]. Однако это предложение вновь не встретило поддержки большинства парламентариев.

Та же картина наблюдалась на заседаниях палат Индийского парламента на протяжении 90-х годов XX в. Все попытки изменить преамбулу или внести поправки в ст. 366 Конституции пока остаются безрезультатными. Как и ранее, Основной закон страны остается без изменения, провозглашая равное уважение ко всем религиям в условиях плюрализма религий, гарантируя равную защиту всем религиозным общинам, но без термина «секуляризм».

Известно, что религии неофициально продолжают оказывать огромное влияние на политический процесс в стране и остаются существенным фактором во внешней политике независимой Индии. Сложившийся в стране плюрализм духовной жизни, сложность и неоднозначность религиозной ситуации, довольно нечеткий понятийный смысл, вкладываемый теми или иными лидерами в трактовку термина "секуляризация", порождают возникновение различных точек зрения на эту проблему.

На базе исследований работ индийских ученых-политологов, международников, историков, высказываний лидеров политических партий 90-х годов условно можно выделить четыре

[1] Там же.
[2] Индира Ганди. Статьи, речи, интервью. М., 1975. - С. 254-255.
[3] Ульяновский Р. А., Павлов В.И. Предисловие. В кн. Г. Мирдаль. Современные проблемы «третьего мира». М., 1972. - С. 22.
[4] Madan T.N. Secularism and Fundamentalism in India. Oxford, 1998. - P. 243.

концептуальных подхода. Один из них, связанный с решением практических проблем политического процесса сегодняшней Индии, чрезвычайно близок к западной трактовке секуляризма, в основе которой лежит тезис о необходимости отделения религии от политики. Второй базируется на учете противоречий в индийском обществе в результате политики секуляризации, насаждаемой «сверху», и концептуальный смысл усматривается не в отказе отделения религии от политики, а в постепенном ослаблении роли религиозных ценностей в жизни человека, модернизации экономических, социально-политических отношений, правосознания. Третье концептуальное направление - полное отрицание наличия в Индии процесса секуляризации, утверждение отсутствия предпосылок для его развития. И, наконец, четвертое, сформировавшееся в 90-е годы концептуальное направление, характеризуется в индийской научной и политической литературе как концепция «позитивного секуляризма». Сущность его заключается в негативном отношении к постулатам секуляризма, выдвинутым в свое время Дж.Неру, нападках на секуляристские статьи Конституции, причем резкой критике подвергается «курс Дж.Неру» в целом. Его тезис о равенстве всех религиозных общин в государстве, независимо от численности приверженцев того или иного вероисповедания, прежде всего представителей религии меньшинств, является объектом особой критики. По мнению идеологов этого концептуального направления, концепции секуляризма, выдвинутые в 50-е годы Дж. Неру и закрепленные в Конституции, это - «псевдосекуляризм, концепции которого безнадежно устарели и не соответствуют духу времени, уровню современного развития страны»[1]. В 1995 г. лидеры крупнейшей партии, оппозиционной Конгрессу БДД, официально заявили, что «секуляристский курс Дж.Неру - это псевдосекуляризм» и провозгласили своим главным направлением во внутренней политике ориентацию на политику и идеологию «позитивного секуляризма»[2]. Данная градация концепций секуляризма, имевшихся в Индии в 90-е годы, носит все же условный характер, поскольку внутри выделенных выше направлений существуют расхождения по ряду позиций секуляризма[3].

В целом, большинство индийских и западных исследователей процесса секуляризма в Индии оценивает будущее страны оптимистически. Они отмечают огромные социально-экономические, культурные сдвиги в государстве, подчеркивая исключительный динамизм всесторонних преобразований в результате политики модернизации и либерализации экономики, внедрения новейших технических достижений Запада, интенсивность процесса урбанизации, рост светского общеобразовательного потенциала.

Главной основой дальнейшего развития процесса секуляризации в Индии индийские ученые 90-х годов считают модернизацию экономики, ее рост, развитие и совершенствование демократических политических институтов, социальных отношений, свободных от кастовой иерархии, развитие современного образования, культуры. Под содержанием процесса секуляризации подразумевается внедрение рационализма во все сферы человеческого бытия, использование научно-технического прогресса Запада, постепенное освобождение личности от

[1] Indian Social Institute. 1995, № 52. - P. 47.
[2] Secularism and Liberation Perspective and Strategics for India Today. M. By Mathia, new Daelhi, 1995. - P. 38.
[3] Madan T.N., Op.cit. - P. 233-250; Vanaik A., Op. cit., - P. 105-117.

влияния религиозных традиционных проявлений лояльности к кастовой, общинной формам, усиление правового государства в жизни общества, отделении сферы морали от права. В основе мировоззрения индийцев должны находится не религиозные, а светские представления о человеке, смысле его существования и формах бытия. Поэтому в работах индийских ученых уделяется большое внимание исследованию процесса секуляризации массового сознания, содержания духовной жизни человека в Индии. Отсюда их особое внимание к духовному наследию и цивилизационной специфике индийского общества, роли секуляристских тенденций в индийской культуре и истории общества. Признавая роль и значение процесса секуляризации в Индии в целом, необходимость его влияния на массовое сознание, в то же время многие высказываются за сохранение религиозных ценностей, исходя из опыта Запада, за сохранение религиозно-культурной самобытности. Отсюда - приверженность концепции духовного плюрализма и трактовка секуляризма не как отмена религии, а мирного, равноправного сосуществования с ней. Врага секуляризма в стране большинство исследователей видят не в религии, а в возросшей политизации религиозно-общинного коммунализма. Ограничивая секуляризм отделением религий от государственных дел, они, в своем большинстве, признают их высокую морально-нравственную, духовную значимость для верующих.

В сфере внешней политики большой интерес представляет раздел Манифеста о секуляризме. Национальный демократический альянс намерен «создать цивилизованный, гуманный, справедливый, гражданский порядок в стране», где мужчины и женщины равны, общество свободно от религиозной, расовой, кастовой, классовой дискриминации. «Мы будем последовательно базироваться и следовать концепции секуляризма согласно индийской традиции, основанной на «Сарва панч самадара» (равное отношение до всем религиям), подчеркивается в этом документе. При этом меньшинствам гарантируются эффективные меры в сфере образования, их экономического, социального развития. Несмотря на давление коммуналистских индусских партий, требование покончить с курсом Неру в целом, устранить из Конституции концепции секуляризма, опасаясь изоляции от различных религиозных конфессий и социальных групп, руководство БДД не пошло у них на поводу.

Текст Манифеста относительно политики секуляризма в целом соответствует статьям Конституции страны (прежде всего, ст. 15) и направлен на создание консенсуса между большими и малыми религиозными общинами Индии, дабы привлечь массы на свою сторону. Все политические партии страны, независимо от различий во взглядах и позициях, призываются разрешать политические споры мирным путем, путем диалога.

Таким образом, после достижения страной независимости постепенно формируется новая модель секуляризма, имеющая свою специфику и отличающаяся от модели стран Запада. Стремясь сохранить религиозно-культурную самобытность и учитывая ту роль, которую религии, традиции играют в жизни общества в условиях поликонфессиональности народов, индийская модель секуляризма не подразумевает «полную отмену» религий и отделение их от государства. Конституция, провозгласив светский характер государства, равенство всех религий, своеобразный духовный плюрализм, по сути является гарантом секуляризма в обществе. Государство выступает как покровитель всех конфессий и сохраняет право регулировать отдельные аспекты религиозной деятельности. Сложился своеобразный «дуализм» религиозных и светских форм в общественно-политической жизни Индии, призванных обеспечить прогресс общества, гармоничное развитие личности с учетом специфики страны, сочетание индивидуализма и коллективизма в интересах интеграции.

Глобализация создала новые приоритеты в геополитическом значении Центральной Азии. В мировой политике появилось новое определение - геополитическая конкуренция, означающая претензии крупных развитых держав иметь свою долю, свой канал доступа для утверждения здесь собственного влияния. Такая конкуренция может вызвать нездоровый ажиотаж с опасными последствиями для суверенитета. Одним из возможных сценариев может быть "балканизация" Центральной Азии, т.е. обращение Центральной Азии в регион вечно враждующих мелких государств наподобие Балканского полуострова, где влиятельные европейские державы и США постоянно пытаются разнимать ссорящиеся по пустякам и мелочам государства и народы. Думается, неслучайно известный американский политолог Збигнев Бжезинский уже называет Центральную Азию Евразийскими Балканами (см. З.Бжезинский. Великая шахматная доска. М., 1999. - С. 148-180).

Основным условием региональной безопасности и сотрудничества является единство расположенных здесь государств - Казахстана, Узбекистана, Таджикистана, Киргизии и Туркменистана. С древнейших времен формировалось единое экономическое, культурное пространство, связывавшее прочными узами живущие здесь народы. Единство государств даст возможность использовать их геополитическое положение не для обогащения иностранных держав, а для повышения собственного экономического уровня и жизненного уровня собственных граждан. Это - условие главное, без него все разговоры о безопасности Центральной Азии не будут иметь каких-либо серьезных практических последствий. Все остальные меры могут быть жизнеспособны лишь при этом условии. Эти меры включают:

Делимитация границ. Всякое государство должно иметь цивилизованные параметры существования и деятельности. Среди них, в первую очередь, речь должна идти о государственных границах. Разграничение 1924 г. не учитывало ни этнических, ни экономических, ни социальных проблем Центральной Азии. В результате за пределами национальных границ Республики Узбекистан осталось 2,5 млн. узбеков, кото-

в) илғор технология, асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ва булардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари;

г) маҳсулотларимизни сотиш бозорларининг мавжудлиги.

Маълумки, ҳар бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва аҳамиятини, давлатлараро иқтисодий ҳамкорлик қай даражада ривож топганлигини эътиборга олган ҳамда фақатгина ўзига хос геосиёсий, табиий-иқтисодий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда барқарор ривожланиш учун ўзининг миллий стратегиясини белгилаб олади.

Бу ўринда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, республикамизнинг бундан кейинги барқарор ривожланиши учун мавжуд таҳдидларнинг табиатини қанчалик тўғри тушунишимиз, уларнинг манбалари ва ўзаро алоқадорлигини ўз вақтида аниқлай ола билишимиз, жамиятда барқарорликни сақлаш шартларини ўрганиб, улардан қанчалик самарали фойдалана олишимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

«Иқтисодий хавфсизлик» илмий тушунчаси бизнинг ҳаётимизда мустақиллик йилларида кириб келди. Бу тушунчанинг таърифи муҳим методологик аҳамиятга эга. Чунки шу таърифга асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мақсадлари, вазифа ва бурчлари белгилаб олинади. Иқтисодий хавфсизликка таҳдид деганда давлатнинг иқтисодий манфаатлари, давлатчилик ва жамиятдаги барқарорлик каби миллий қадриятлари билан боғлиқ бўлган манфаатларга зарар етказиши мумкин бўлган бевосита хавф-хатар назарда тутилади.

Умумдавлат миқёсида иқтисодий хавфсизликни илмий асосда таъминлаш эса ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш тизимини йўлга қўйишни, иқтисодий хавфсизлик ўлчамларидаги ўзгаришларга ўз вақтида баҳо бериш ва олдиндан пайқай билишни, шунингдек, ана шу хавфсизлик билан боғлиқ бўлган асосий манфаатлар чегарасидаги ижтимоий-иқтисодий вазият қандай ривожланиши мумкинлиги хусусида бир қатор таклифлар ишлаб чикишни тақозо этади.

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида республикамиз хавфсизлигига, шу жумладан иқтисодий хавфсизликка бўлган таҳдидлар тўла таҳлил қилиб берилган. Ана шунга кўра, бу таҳдидларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: табиатан бор бўлган (мавжуд бўлган) ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар; мазмунан ички ва ташқи таҳдидлар; кўриниши бўйича - сиёсий, иқтисодий ва бошқача таҳдидлар; қўллаш бўйича - минтақавий ва маҳаллий таҳдидлар. Бундай ёндашув иқтисодий хавфсизликка бўлган таҳдидларнинг асл моҳиятини янада чуқурроқ ўрганишга имкон беради, уларни таъриф-тавсиф қилиш ва керакли чора-тадбирлар кўриш учун асос бўла олади.

Барқарор ривожланишга ўтиш йўлида ички ҳамда ташқи моҳиятга эга бўлган бир талай шарт-шароит ва омиллар борки, улар аҳоли, жамият ҳамда давлат учун муҳим бўлган ҳаётий манфаатлар учун хатар туғдиради. Мавжуд ва пайдо бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни аниқлаб олиш мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига шароит яратиб беришга хизмат қилувчи ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш борасида тактика ва стратегияни ишлаб чиқишда қўл келади.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши йўлидаги ички таҳдидлар ҳақида тўхтаб ўтадиган бўлсак, мавзуимиз нуқтаи-назаридан экологик ва иқтисодий хатарларга этибор қаратамиз ва улар асосан қуйидагилардир:

· тузилмалар (структурадаги, такрор ишлаб чиқаришдаги, ҳудудий ва тармоқлараро)даги мутаносибсизлик, иқтисодиётнинг юқори даражада хом ашё йўналишига эгалиги, ЯИМнинг ашё ва электр қувватини кўп талаб этиши;

· мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида унчалик рақобатбардош эмаслиги натижасида иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган валюта тушумларининг етишмасдиги;

· мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги етарли даражада таъминланмаганлиги;

· табиий-хом ашёвий, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан юқори даражада самарадорлик билан фойдаланилмаётганлиги натижасида Ўзбекистоннинг рақобатбардош имкониятлари четда қолиб кетаётганлиги;

· ишлаб чиқариш ва бозор инфратизимлари етарли даражада ривожланмаганлиги оқибатида миллий иқтисодиётни минтақавий ва умумжаҳон иқтисодий тизимларига интеграция қилиш йўлида турли-туман тўсиқларга дуч келинаётганлиги;

· ишлаб чиқариш ва бошқарувга оид ҳамма соҳаларда «яширин иқтисодиёт» кўламлари кенгайиб бораётганлиги;

· кичик бизнес ва тадбиркорлик етарли даражада фаолият кўрсатмаётганлиги, тадбиркорлик суст даражада ривожланаётганлиги;

· Орол денгизи ҳавзасидаги сув бойликларининг чекланганлиги ҳамда республикада булардан унумли даражада фойдаланилмаётганлиги;

· даромадлар тизимидаги хилофликлар, натижада юксак даражадаги меҳнат унумдорлигини рағбатлантирувчи иш ҳақи салмоғининг камайиши;

· айниқса, қишлоқ жойларида амалдаги реал ишсизлик даражаси пасаймаётганлиги;

· ернинг сифати ва унумдорлиги пасайиб бораётганлиги;

· сув, ер ва ҳаво чиқиндилар билан юқори даражада ифлосланиб бораётганлиги.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши йўлида ғов бўлиб турган ташқи таҳдидлар экологик, сиёсий ва иқтисодий омиллардан иборат. Бошқа мамлакатларнинг, шу жумладан, қўшни мамлакатларнинг геосиёсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган сиёсий омиллар Ўзбекистоннинг барқарор ривожи учун иқтисодий таҳдидларни юзага келтиради.

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи энг муҳим ташқи иқтисодий омиллар қуйидагилардан иборат:

· ташқи савдо шартлари;

· жаҳонда рўй бераётган молиявий тангликларнинг республикамиз иқтисодиётига салбий таъсири;

· ташқи иқтисодий алоқаларни таъминловчи транспорт инфратизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги.

Республиканинг барқарор ривожига таъсир қилувчи ички ва ташқи таҳдидлар иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаша боргани сари ўзгариб туради. Бу таҳдидларнинг баъзилари макроиқтисодий ислоҳотлар натижасида ўз аҳамиятини йўқотади, айримлари эса гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туриши мумкин. Масалан, ташқи иқтисодий фаолият таҳлили шуни кўрсатдики, республикамиз иқтисодиёти ҳали ҳам кўп жиҳатдан, хом ашё экспортига боғлиқ, бинобарин, жаҳон бозорларидаги хом ашё билан боғлиқ таваккалчилик ва беқарорлик оқибатларини камайтириш муаммолари биз учун ғоят муҳимдир.

80-йилларда бизда кўпчилик экспортчилар асосан шундан азият чекдики, хом ашё товарларининг номинал белгиланган ва амалдаги нархлари мутлақо пасайиб кетди (1979-1993 йиллар давомида ҳар йили белгиланган рўйхатдаги нархлар 2,2 фоизга, амалдагилар эса 5,2 фоизга камайди). Узоқ вақт мобайнида бозорларда таклиф сероб бўлганлиги оқибатида кўп ҳолларда нарх-наво кескин пасайиб кетди.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, хом ашё ресурсларини ҳаддан ортиқ кўп экспорт қилиш мамлакатнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатувчи ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Оддийгина бир мисол: баъзи экспорт қилинаётган

рые были разбросаны по территории Таджикистана, Киргизии, Туркмении и Казахстана. Осталось провести делимитацию с Таджикистаном и Киргизией.

Предстоит решить цивилизованно проблему международных рек - Амударьи и Сырдарьи. Все прибрежные государства имеют равные права на использование международной реки. Любое прибрежное государство должно использовать воды международной реки так, чтобы при этом не наносить ущерба правам какого-либо другого прибрежного государства на использование вод той же реки. При решении проблемы можно воспользоваться опытом использования Нила, который протекает по территории восьми государств, или же Дуная, который может стать замечательным примером решения проблемы международной реки.

Необходимо оживить и развить деятельность организации «ЦАС». Ее первоочередной мерой должна быть работа над реконструкцией Великого шелкового пути. Он может стать эффективным средством интеграции государств, улучшения торговых отношений. Другой задачей является формирование механизма синхронизации реформ в государствах Центральной Азии, чтобы они не противоречили, а дополняли друг друга. Так, в Казахстане и Киргизии проводятся реформы по приватизации земли, которая, при отсутствии таковой в других республиках, может оказать отрицательное влияние на общее состояние сельского хозяйства в регионе.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИМИЗНИ САҚЛАШНИНГ ИЧКИ ОМИЛЛАРИ

Т. ОРТИҚОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
АДУ фалсафа кафедраси мудири

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Миллий хавфсизлигимизни таъминлаш эса давлат ва фуқароларнинг муқаддас бурчидир. Буни 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда юз берган воқеалардан кейин янада чуқурроқ ҳис этмоқдамиз.

Аслида миллий хавфсизликка қатор ташқи ва ички таҳдидлар соя солиб турибди. Ташқи таҳдидларни мамлакатимиз Президенти ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида баён қилиб, барчамизни улардан огоҳ этган эди. Ташқи хавф кўпроқ ташқаридан бўлганлиги боис уни сезиш, қарши чора-тадбирлар кўриш, огоҳ этиш орқали даф қилиш мумкин. Лекин ички хавфлар ҳам борки, улар ҳақида гапириш вақти етди. Ички хавфлар жамиятимизда учраб турадиган қусурлар натижасида юз беради ва улар бартараф этилмас экан, хавф йўқолмайди. Ана шу хавфни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири билимсизликдир. Билимсизлик ҳукм сурган жойда турли миш-миш, ваҳима гаплар, ғийбатлар ин қурган бўлади. Масалан, «ваҳобийлик» оқими, «Ҳизб-ут-таҳрир» партиясининг моҳияти нимадан иборат эканлигини билмаган ёшлар неча марталаб уларнинг тузоғига тушиб қолганини эслайлик. Ана шу экстремистик гуруҳлар, фирқалар ҳақида етарли билимга эга бўлган ёш фуқаро улар ортидан кетиб қолмас эди. Буюк файласуф Суқрот: «дунёдаги барча адашишларнинг бош сабабчиси билимсизликдир», - деган эди.

Фуқароларнинг лоқайдлиги ҳам хавфсизлигимизга таҳдиддир. Ғарб олимларидан Ф.Бэкон лоқайдлик ашаддий душмандан ҳам хавфлироқдир, деган фикрни айтган эди. Лоқайдлик ўрнини ҳушёрлик эгаллаган жамиятда ташқи, ёт таъсирлар сезилмайди. Лоқайдлик ҳукм сурган жойда эса диверсантлар, террористлар бемалол ҳаракат қилади. Телемухбирларимиздан бири турли порошоклар (алебастр, оҳак) солинган халтани одам-

лар билан гавжум бозорга қолдириб кетди. Қарангки, кун давомида бирорта кимса ўша халта билан қизиқмади. Кун охирида фаррошгина ушбу халтани бозор раҳбариятига олиб борди. Бу воқеани асло ҳалолликка йўйиб бўлмайди. Фикримизча, лоқайдликка қарши одамлар онгини ошириш мақсадида лоқайдликнинг оқибатлари ҳақида эшиттиришлар, фильмлар, спектакллар яратиш, оммавий нашрларда кўпроқ ибратли ҳикоялар, ҳадислар бериш орқали кураш олиб боришга тўғри келади.

Хавфсизлигимизга соя солувчи яна бир ижтимоий муаммо борки, бу бандлик дастури орқали ҳал этилади. У ҳам бўлса ишсизликдир. Ёшларимизда учраб турадиган чекиш, ичиш, қимор ўйнаш каби зарарли иллатлар борки, улар кўпроқ ишсизликдан келиб чиқади. Бундан ташқари, арзимаган пул учун варақа тарқатишга рози бўлган ўсмирни ишсизлик ва билимсизлик ана шу кўчага олиб кирмадими!? Шу ўринда Алихонтўра Соғунийнинг қуйидаги сўзларини эслатиш ўринлидир:

«Кексаликка касаллик қўшилса, бедаво бўлгани каби камбағалликка дангасалик қўшилса ҳам давосиз ҳолат юзага келади. Душманликка ҳасад қўшилса ҳам бедаво дард каби инсонни қийнайди».

Ички таҳдидларни ҳам алоҳида тадқиқ этиб, мантиқий хулосалар чиқариш ижтимоий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширади. Юқоридаги муаммоларни ҳал этишнинг назарий-фалсафий асосларини Президентимиз ўз нутқлари ва асарларида баён қилиб берган. Бу муаммоларини ҳал этиш маънавият ва маърифат тарқатувчи зиёлилар, қолаверса, ҳар бир онгли фуқаронинг эл-юрт олдидаги вазифасидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ - МАКРОИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Р.Ҳ.ШОДИЕВ,
ЖИДУ профессори

Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатида қарор топиши ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишга асосланган ислоҳотларнинг изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилиши БМТнинг XXI аср учун эълон қилинган янги цивилизацион қадриятларига, яъни тараққиёт ва турмуш тарзининг барқарор шаклларига ўтиш тамойилларига асосланган ҳолда юз бермоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳон тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, техника ва ахборот тизимлари жадал ривожланиб, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви натижасида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кучаймоқда, кўп қутбли дунё шаклланмоқда, халқаро ташкилотларнинг интеграцион жараёнлардаги аҳамияти кучайиб бормоқда.

Жаҳонда рўй берган ушбу вазият туфайли Ўзбекистон учун дунёда янги тартиб - қоидалар ва муносабатларни шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиш, жаҳон ҳамжамиятига ўзига ҳос мавқега бўлиш учун қулай шарт-шароитлар юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлар ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашдан келиб чиққан ҳолда турли мамлакатларга, халқаро ташкилотлар ва минтақавий иқтисодий уюшмаларга нисбатан ўз муносабатларини билдира бориб, бундай муносабатларнинг ривожи учун турли чора-тадбирлар кўрмоқда. Бу ўринда қуйидаги омиллар эътиборга олинмоқда:

а) икки томонлама алоқаларда меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги;

б) капитал бозорлари, инвестиция кўламлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари;

товарлар ҳажмининг кўпайиши жаҳон бозорида уларнинг нархи пасайишига олиб келади, бу нарса иқтисодиётга катта зарар келтиради.

Ўзбекистонда кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда, макроиқтисодий стратегия қуйидагиларни назарда тутади:

а) инвестициянинг ўсиш суръатларини юқори даражада таъминлаб, инвестицион фаолликка эришиш;

б) экспорт ҳажмининг муттасил ўсиб боришини таъминлаш;

в) инфляция даражасининг пасайиши, миллий валюта - сўмнинг қадрланишига эришиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган макроиқтисодий ўзгаришлар сиёсатидан асосий мақсад фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратиб беришга қаратилган иқтисодий мустақилликни таъминловчи янги тизимдаги иқтисодиётни барпо этишдан иборатдир.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар қуйидаги ташқи иқтисодий вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

· иқтисодиётда хом ашё устуворлигига барҳам бериш, хусусан, мамлакатнинг экспорт имкониятларини кўпайтириш;

· рақобатбардош-импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштирган ҳолда четдан олиб келинадиган хом ашё ресурслари, бутловчи буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини камайтириш;

· халқ хўжалигининг салмоқли тармоқлари ва ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан рағбатлантириш йўли билан тараққиётда экспортга мўлжалланган йўналишга ўтиш;

· инфратизимлар мажмуаси - транспорт коммуникациялари, алоқа тизимлари ва ахборот тармоғининг бир меъёрда ривожланиб боришини таъминлаш.

Макроиқтисодий сиёсат стратегиясини амалга оширишда валюта айирбошлашни либераллаштириш тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда бу иш синчковлик билан босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг дастлабки босқичидаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат:

· хавфсизликни таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш;

· инфляция даражасини пасайтириш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш;

· макроиқтисодий тартибга солиш воситалари ва чоралари самарадорлигини ошириш;

· Ўзбекистонни жаҳон бозорига олиб чиқадиган транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Кейинги босқичда фикримизча, қуйидаги йўналишларга эътибор берилиши лозим:

· инфляцияни чегарадан чиқиб кетмайдиган даражада ушлаб туриш;

· мамлакатнинг ташқи қарзи хатарли даражада кўпайиб, ҳалқаро молиявий тизимларга тобелиги кучайиб кетишига йўл қўймаслик;

· кичик ва ўрта бизнесга қарашли самарадор хусусий корхоналарни кенг ривожлантириш орқали ўрта ҳол мулкчилар синфини юзага келтириш;

· чет мамлакатлар билан иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш;

· альтернатив транспорт йўлаклари, коммуникация тизимлари ва ахборот инфратузилмаларини ривожлантириш;

· меҳнат бозорини фаоллаштириш ва янги иш жойларини ташкил этиш, инсон капиталига инвестицияларни кўпайтириш.

Ва ниҳоят, узоқ муддатли вазифалар қуйидагилардан иборат:

· ЯИМ узлуксиз кўпайиб бориши учун зарур бўлган суръатларни таъминлаш;

· ишлаб чиқариш жамғармалари (фондлари)ни кенг кўламда янгилаб бориш ва замонавийлаштириш асосида иққтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Лекин, келажакда иққтисодиётнинг юқорида таърифланган ривожига қатор объектив шарт-шароит, чеклов ва омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Буларнинг энг муҳими қуйидагилардан иборат:

· аҳоли ва меҳнат ресурслари табиий ўсишини нисбатан юқори даражада сақлаб қолишга имкон берувчи демографик вазиятнинг ўзига хослиги;

· сув ресурслари тобора камайиб бораётганлиги, суғорма ерларнинг унумдорлиги пасайиб бораётганлиги, аҳоли зич яшайдиган жойларда ва Орол денгизи ҳавзасида экологик муаммолар кучайиб бораётганлиги;

· жаҳон бозорларига олиб чиқадиган коммуникациялар ва транспорт йўлаклари яхши ривожланмаганлиги;

· иқтисодиётда юзага келган хом ашё устуворлиги (бу нарса фаол таркибий инвестиция сиёсатини тақозо этади).

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда миллий иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган энг асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

· макроиқтисодий соҳада - барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш, дунёдаги бир меъёрда ривожланаётган давлатларга хос бўлган даражада инфляцияни пасайтириш;

· ишлаб чиқариш соҳасида - таркибий чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётда хом ашё устуворлигини тугатиш, тайёр маҳсулотларни кўпроқ экспорт қилишга эришиш, жаҳон бозорларига олиб чиқадиган алтернатив транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичи ўзига хос икки хусусият билан белгиланади:

1. Технологиялар ривожи ҳамда Жаҳон Савдо Ташкилоти юзага келгандан сўнг савдо тўсиқларининг бартараф этилиши натижасида глобаллашув, рақобатнинг кучайиши;

2. Ўзаро боғлиқлик ва интеграциянинг кучайиши жўрлигида содир бўлаётган бу ривожланган мамлакатларда янги индустриал мамлакатлар ва иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатлар тазйиқи асосида халқаро меҳнат тақсимотидаги таркибий ўзгаришлар жараёнининг жадаллашуви.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган мана шу иккиламчи хусусиятдан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий сиёсатимиз рақобат ва ҳамкорлик бобида муайян мувозанат бўлишини тақозо этади.

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

(на примере проблем Аральского моря)

М.М. БАХАДИРОВ,
старший преподаватель кафедры
"Международные отношения" УМЭД

С развалом биполярной системы миропорядка начинается новый период в международных отношениях, который характеризуется своей неопределенностью и непредсказуемостью. В условиях трансформации международных систем происходит смена парадигм, которые охватывают все сферы общественных отношений. Поэтому

возникает вопрос пересмотра критериев определения понятия национальной безопасности, в том числе отношения к экологическим проблемам.

Экологические проблемы еще в 60-70 гг. XX века стали предметом изучения политических наук и рассматривались как компонент стабильного, устойчивого развития. Однако существуют отличия в подходах и требованиях объективной реальности, так как в тот период их изучали, опираясь на ценности прошлой системы отношений, которые постепенно перестают отвечать требованиям времени. Поэтому все острее встает вопрос определения новых парадигм исследований и объяснения происходящих явлений.

Если раньше в общественных науках мало применялись методы и принципы смежных или естественных наук, то современная наука переживает эволюционный период, когда происходит слияние их методов и формирование нового научного направления по принципу общности объекта исследования. Это характерно, например, для экологической политики и экологической безопасности. Без данных естественных исследований невозможно формировать политическое направление относительно экологических угроз.

Существует объективная необходимость пересмотра места проблем Арала, в особенности экологической безопасности, в системе национальной безопасности как фактора, наряду с экономическими и политическими, имеющего непосредственное влияние на стабильное развитие общества как на национальном, так и на глобальном уровне.

Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов не раз отмечал глобальный характер последствий Аральского кризиса. Глобальная экосистема представляет собой единую целостность, поэтому изменения, происходящие в одной ее части, не могут не оказывать влияния на систему в целом. Например, колебания климата вызывают негативные последствия в Приаралье, что не может не отразиться на стабильности ситуации в регионе. Более того, любая форма человеческой деятельности отражается на природной среде. Поэтому экологические отношения являются частью общественных отношений, а экологические проблемы являются угрозой стабильности, следовательно, и национальной безопасности государства и общества.

Исходя из вышеперечисленных позиций, можно заключить, что проблема Аральского моря осознается как угроза экологической безопасности, стабильному развитию общества, но при этом нельзя рассматривать ее изолированно от других сфер общественных отношений, не учитывая того, что углубление этого экологического кризиса чревато постоянным существованием угрозы стабильности в регионе Центральной Азии.

Республика Узбекистан является активным проводником политики решения проблемы Арала, но глобальность этой проблемы требует согласованной экологической политики и совместных усилий по ее решению, применения различных форм и методов международного сотрудничества.

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ КАК ФАКТОР УКРЕПЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Н. АБДУЛЛАЕВА,
магистрант УМЭД

Уже в первые годы независимости в Узбекистане, в соответствии с принятой моделью социально-экономического развития, были объявлены пять основных принци-

пов формирования демократического общества с гармонично функционирующей рыночной экономикой, на основе которых проводились экономические реформы. Хотя конкретно в этих принципах не говорилось об обеспечении национальной безопасности, путь, пройденный на основании претворения в жизнь этих принципов, свидетельствует, что создание экономического фундамента новых общественных отношений уже сам по себе является основой обеспечения государственной безопасности.

В то же время стабильное экономическое развитие возможно только в условиях обеспечения национальной безопасности. История экономического развития различных стран показывает, насколько взаимосвязаны эти процессы.

Например, в Японии, когда вооруженные столкновения полностью разрушили экономику государства, последующий мирный период характеризовался быстрым экономическим ростом. Там были претворены в жизнь экономические реформы, которые были бы невозможны в условиях военных конфликтов. В их числе - известная поддержка малого и среднего частного сектора, земельная реформа, реформы в промышленности, либерализация капиталов, стимулирование экспортных отраслей и др. Все эти реформы, как и в Узбекистане, проводились на уровне государственной политики.

Создание экономической базы общества, в результате проведения этих реформ укрепило и национальную безопасность Японии. Ныне страна имеет мощную экономическую основу для защиты своей государственной безопасности и военный потенциал, превышающий норму, необходимую для самообороны страны.

Угроза национальной безопасности Узбекистана исходит прежде всего от исламского фундаментализма. И это не просто идеологическая борьба, хотя здесь выступает множество проблем идеологического характера на основе противоречий в самом учении ислама и в практике религиозной обрядности. Однако политизация противоречий в религиозном мировоззрении чревата военными столкновениями, прежде всего теми методами, которыми владеет международный терроризм.

Материальная подпитка политических амбиций лидеров политических движений осуществляется на основе экономического развития не одной страны, а зачастую также крупных организаций и частных лиц, владеющих крупными капиталами. Поэтому требуется консолидация всех сил, противостоящих вмешательству религии в государственное устройство различных стран, в том числе и Узбекистана.

Необходима большая разъяснительная работа среди населения, в том числе с верующими, по вопросам разграничения функций государства и религии, опасности последствий конфликтов на этой почве. При этом особый акцент необходимо сделать на том, что во многих странах в те периоды, когда религия вмешивалась в дела государства и имела определенную власть, отмечался резкий спад экономического развития и снижение жизненного уровня. К примеру, движение талибан, ограничивающее деятельность женского населения, внедряя средневековые устои, фактически исключает огромную армию работников из общественного развития. Этот фактор не может не отразиться на развитии экономики государства и соответственно - на обеспечении национальной безопасности.

Компонентом экономического развития является, кроме экономических реформ, и политика социальной защиты населения, которая в свою очередь влияет на безопасную обстановку в обществе. Опираясь именно на недостаточную финансовую обеспеченность населения и манипулируя ею, элементы, использующие религиозный экстремизм и фундаментализм, могут дестабилизировать обстановку в стране в целом.

Каждый из элементов, которые составляют направления экономического развития и могут быть использованы для угрозы национальной безопасности, взаимодей-

ствуют и влияют друг на друга. Поэтому нередко в лозунгах исламских радикальных движений звучат призывы не только религиозного, но и чисто экономического характера. А экономические средства воздействия зачастую могут быть более мощными и действенными, чем религиозные. Поэтому необходимо уделять особое внимание повышению жизненного уровня населения, добиваясь экономического роста с учетом социальной политики и ликвидируя бюрократические проволочки, мешающие экономическому развитию. Безусловно, проведение экономических реформ требует времени, и население должно в этот период поддержать государство. На это должно быть направлено, наряду с улучшением качества жизни, и увеличение информированности населения о действиях государства.

Увеличение доверия населения к проводимым реформам и будет определять успех экономических реформ и станет весомым вкладом в укрепление политической и экономической стабильности в нашем государстве.

Без создания стабильных мирных условий невозможно экономическое развитие и повышение жизненного уровня населения страны.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ФРАНЦУЗ ТАЖРИБАСИ

Қ. ТУРСУНОВ,
«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Бухоро шаҳар бўлимининг мудири

Франциянинг Марказий Осиё минтақасидаги сиёсатида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгалламоқда. Жак Ширак маъмурияти ушбу минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни ўрнатишда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати фаолиятига ижобий баҳо бермоқда. Мамлакатимиз ҳукумати эса, ўз навбатида, Франциянинг Европа Ҳамжамиятидаги ўзига хос овозини қадрлайди, ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Франциянинг ташқи сиёсатларини кўп нарсалар бирлаштиради. Биринчидан, мустақил Ўзбекистон ва эрксевар Франция ўзга давлатлар ишига аралашмаслик тарафдоридир. Иккинчидан, иккала давлат ҳам ҳарбий блокларга кирмасликни тарғиб этмоқда. Учинчидан, иккала мамлакат можароларни тинч ва дипломатик йўллар билан ҳал қилишга интилмоқда. Тўртинчидан, халқларимиз ўзаро ҳамкорлик йўлидан бормоқда.

Маълумки, Шарль де Голль террорчи ва қўпорувчи ташкилотлар (масалан, ОАС (Махфий ҳарбийлашган ташкилот)) билан кескин кураш олиб борди. 1962 йил 22 августда эса Президентга ушбу ташкилот томонидан суиқасд қилинди.

Голлизм тарафдори, машҳур француз сиёсатшуноси Ив Лакост таъкидлаганидек, «бўҳрон зонаси»га кирган Болқон, Кавказ, Курдистон, Афғонистон, Тожикистон, Уйғуристон - буларнинг ҳаммаси келажакда Европани барбод қилиши мумкин. Зеро, ушбу зонада қурол-яроғ арсеналлари, ҳисобга олинмаган ядро арсеналлари, ақидапараст диний гуруҳлар, нодавлат ҳарбий тузилмалар, наркобазалар жойлашган. Ушбу ҳудудда, шунингдек, Итальян ва Турк мафияси таъсири кучлидир. Туркия - НАТО аъзоси, Россиянинг «анъанавий душмани», Босфор ва Дарданеллалар эгаси, мусулмон дунёсининг калитидир (ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган курдлар жаҳон террорчиларига кўмак кўрсатиши мумкин). Туркия позицияси билан бўлажак Европа позицияси боғлиқдир, деб хулоса қилади олим.

Француз Европа континентига «қайноқ» нуқталарнинг пайдо бўлишига сабаб сифатида қуйидаги тўртта хавф белгиланади: собиқ социалистик мамлакатларда ижтимоий қийинчиликлар, халқаро ҳамжамиятга кириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги, сиёсат, иқтисод ва ижтимоий соҳа ислоҳотларининг оғир кечиши; ядро, биологик ва кимёвий қуролларнинг тарқалиши ва умуман кўп миқдордаги қурол-яроғнинг мавжудлиги; аҳоли, коммуникация ва саноат объектларига қарши терроризм хавфи; наркотик моддалар савдоси ва унга бевосита боғлиқ бўлган кескинлашув нуқталарининг борлиги.

Ана шундай халқаро вазиятда Франция ўз стратегиясини ўзгартиришга мажбур бўлди: сиёсий ва дипломатик соҳада - Европа континентида тинчлик, барқарорликни сақлаш, бу ўринда Европа Иттифоқи ва Марказий ҳамда Шарқий Европа ўртасида ҳар томонлама муносабатларни ўрнатиш, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурини амалга ошириш; ҳарбий соҳада - «қўрқитиш» сиёсатини амалга ошириш, яъни қуролли кучларни керакли даражада сақлаш, ядро ва оддий қуролларнинг зарур миқдори бўлишини таъминлаш. «Қўрқитиш» сиёсати эса, ядро қуроли билан қўрқитиш ва ядро қуролини қўллашнинг алоҳидалигидан келиб чиқади.

Франция Бош вазири Лионель Жоспен Франция ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида алоҳида ўрин тутишини қайд этди. Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг геосиёсий ролининг ўта муҳимлигини таъкидлаб, мамлакат ҳукуматининг хавфсизлик соҳасида олиб бораётган сиёсати ва чора-тадбирлари Ўзбекистон Президенти халқаро ҳамжамиятини бир неча бор огоҳлантирган экстремизм ва халқаро терроризм тарқалишига қарши ишончли тўсиқ бўлишини қайд этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)да Франциянинг овози жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Париж эллик йил давомида ядро уруши ҳалокатига қарши ўз кучини аямади, деб айтсак хато бўлмайди. Елисей Саройидаги ҳукумат ҳамиша қўпорувчилик, можаролар, террорчилик, наркомафия билан курашиб келмоқда. Шу маънода президентлар Шарль де Голль, Жорж Помпиду, Жискар д'Эстен, Франсуа Миттеран, Жак Ширакларнинг нуфузи нафақат Франция, балки Европа манфаати учун ҳам ишлатилди ва ишлатилмоқда.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ

Т. НОРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди,
ЖИДУ доценти

Инсоният тарихий тараққиётини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, турли хил ғоялар бутун-бутун давлатлар, миллатлар ва жамиятларни юксалишга етаклаган ёки уларни таназзул ҳамда ҳалокатга маҳкум этган.

Фикримизнинг исботи сифатида ўтмиш ва бугундан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жадидлар мафкураси ва ғоясининг асосчиси Исмоилбек Гаспиринскийнинг фикрича, халқлар ҳаётидаги барча буюк воқеаларнинг таг-замирида муайян ғоя ётади. Энг улуғ кашфиётлар, аввало, улар ҳақидаги орзу-ниятлардан бошланган.

«Ислом ғоялари, - деб ёзади Исмоилбек Гаспиринский «Ғоя» номли мақоласида, - ярим дунёни бир ҳовуч араблар атрофига бирлаштирди. Москва атрофида бирлашув ғояси қудратли Россияни майдонга келтирди. Тенглик ва озодлик ғояси эса французлар мавқеини Оврупода сарбаланд қилди».

Ғоясизлик-чи? Миллатни заифлаштирувчи, турғунликка, таназзулга олиб борувчи нарса айнан мана шу ғоясизлик, мақсадсизликдир. Дарҳақиқат, ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказа-

ди, унинг тараққиётини орқага суради. Ана шундай заифлик, ҳокимиятни қурол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкурасида намоён бўлди. Улкан социалистик лагер ҳудудида ҳукм сурган бу мафкура ўзининг ғайриинсоний ва ғайриллий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди.

Юрт тинчлиги ғояси миллий истиқлол ғоясининг асосларидан биридир. Бу табиийдир. Чунки юрт тинчлиги барқарор тараққиёт гаровидир. Башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Инсоният ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинч-тотувликка интилиб келган. Чунки унинг барча орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати ҳам тинчликда ўз ифодасини топган.

Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига таҳдид соладиган доимий хавфлар ҳам бўлиши муқаррар. Шундай экан, тинчлик, хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳанузгача инсоният олдидаги энг оламшумул муаммо бўлиб қолмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий агентлиги мухбири саволларига берган жавобларида таъкидланганидек, («Тинчлик учун курашмоқ керак». «Маърифат» газетаси, 2001 йил 10 октябр) халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган ҳозирги пайтда фақатгина тинчлик бўлсин деган тилаклар билан чекланиш кифоя эмас. Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак. Ахир тинчлик-осойишталикни қуруқ ваъзхонлик билан сақлаб бўладими? Бир ўйлаб кўрайлик, турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталикни сақлашга ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўладими?

Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш - бу давлатнинг чегарасини қўриқлаш ҳизмати ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага авваламбор мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин «тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак». Бинобарин, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ халқимиз юрт тинчлигини энг асосий бойлик сифатида қадрлаб келмоқда. Негаки, уруш ва низолар инсонни одамийлик қиёфасидан айиради, жамиятни буткул таназзул ботқоғига ботиришини эса юқорида таъкидлаган эдик.

Буни халқаро террористлар уясига айланиб қолган қўшни Афғонистон атрофидаги воқеалар тасдиқлайди. Бузғунчи, вайронкор ғоялар ҳукмрон бўлган мамлакатда йигирма йилдан кўпроқ давр мобайнида давом этаётган ўзаро ҳарбий можаролар мамлакатнинг жаҳон цивилизациясидан батамом узилиб, энг қолоқ мамлакатлардан бирига айланиб қолишига сабаб бўлди.

Юрт тинчлиги ғояси барқарор ривожланишнинг муҳим шартидир. Миллий хавфсизлик тушунчаси Ватан озодлиги ва мустақиллиги тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Негаки, бировга қарам бўлган халқ эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш миллий хавфсизлик учун курашдан бошланади, деган фикрдамиз.

Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, эркин ва фаровон ҳаёт кўришдек асрий орзусига эришиб, зулм-зўравонликдан, қарамликдан эндигина халос бўлган халқимиз, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туриш лозим.

Иккинчидан, халқимиз эндиликда ҳар қандай манфур кучларнинг фарзандларимизни бузғунчи ғоялар билан ёмон йўлларга бошлашига, ўз ота-онаси, Ватанига

душман қилиб қўйишига томошабин бўлиб қараб турмайди. Чунки энди у ўз-ўзини англай бошлади.

Учинчидан, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш - бу бир кунлик ёки бир йиллик, мавсумий масала эмас, балки кундалик ишимиз, кундалик амалий фаолиятимиз, ҳаракатимизнинг мезонига айланмоғи зарур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФОНД БИРЖАСИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

А.А. ОХУНОВ,
ЖИДУ ИИТ кафедрасининг ўқитувчиси

Мамлакатимизда давлат мулкини акциялаштириш, давлат корхоналарини ҳиссадорлик корхоналарига айлантириш жараёнлари шаклланди, корхоналарнинг акциялари сотиладиган бошланғич бозор ташкил топди. Маълумки, фонд биржаси фаолиятини тартибга солиб туриш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган. Фонд биржасида кўплаб инвестиция институтлари, брокерлик идоралари, инвестиция компаниялари ва фондлар фаолият кўрсатмоқда, бозор ишида тижорат банклари ҳам қатнаша бошлади. Шу жумладан, "Тошкент" Республика Фонд биржасида 91 та брокер идораси ишлаб турибди, шунинг учдан бири вилоятлардадир. Биржада 1995 йилда 65 марта савдо ўтказилган ва уларда 909 та акциядорлик жамиятининг 1,9 млн. сўмлик акцияси 1,3 млрд. сўмга сотилган. 2000 йилда акциядорлик жамиятларининг сони 39 фоизга, уларнинг сотилган акциялари суммаси эса 40 фоизга ўсган. 1999 йилнинг 1 апрелигача Ўзбекистонда 4466 та акциядорлик жамияти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг чиқарган қимматли қоғозлари 213,1 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан «Вақт» миллий депозитарийсига 180,1 млрд. сўмлик акция сақлаш ва ҳисоб юритиш учун қабул қилинган[1]. Инвесторлар томонидан темир йўл транспорти ва пахта тозалаш саноати корхоналарининг акцияларига қизиқиш катта бўлмоқда.

Фонд биржасининг нисбатан янги бўлган олди-сотди операцияларини Алоқа вазирлигининг селектори орқали уюштириш бу савдонинг бир йўла барча филиалларида ўтишига имкон туғдирди ҳамда унда ҳамма брокерлик идоралари иштирок этмоқда. Шу тариқа жамики молия брокерлари, яъни воситачиларнинг тенг равишда олди-сотдида қатнашишлари учун шарт-шароит яратилди.

Биржада акцияларнинг баҳосини талаб ва таклиф белгилайди. Савдога қўйилган акцияларнинг муддати, номинал қиймати ҳиссадорлик жамиятининг рейтинги ва Устав фондининг йўлга қўйилганлигига боғлик.

Савдога чиқарилган 50 ва 100 сўмлик акцияларга қараганда 500 ва 1000 сўмлик акцияларга талаб катта бўлмоқда.

Акцияларни сотиш бўйича халқ хўжалиги соҳалари орасида деҳқончилик мажмуидаги ҳиссадорлик жамиятлари юқори ўринни эгаллаб турибди. Хусусан, 1995 йилда сотилган акцияларнинг 67 фоизи шу соҳада муомалага чақирилган. Бу кўрсатгич саноатда 19 фоиз, маиший хизматда 6 фоиз, транспорт ва алоқа тизимларида эса бор-йўғи 5 фоизнигина ташкил этади. 1999 йилдаги маълумотлар билан эса қуйида келтирилаётган жадвалда танишиш мумкин.

[1] Маркова И. "Рынок, деньги и кредит ", 1999, май. С. 701

1999 йилда "Тошкент" Республика Фонд биржасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича тузилган битимларнинг таркибий тузилиши

Соҳа номи	Жами битимларга нисбатан фоиз ҳисобида
Агросаноат мажмуи	43.2
Саноат	11.4
Ижтимоий соҳа	18.9
Қурилиш, транспорт, алоқа мажмуи	18.6
Бошқа акциядорлик жамиятлари	7.9

Шуни таъкидлаш жоизки, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва улардан фойдаланиш тартиби, қимматли қоғозларнинг турлари ҳамда улар воситасида юқори фойда олиш учун давлатимиз молия тизими, шу жумладан, Марказий банк белгилаб берган меъёрий ҳужжатлар хусусида маълумот бериб бориш лозим.

Нафақат аҳолига, балки молия тизими мутахассислари ва талабаларга, шунингдек, ишбилармон, тадбиркорларга акцияларнинг афзал жиҳатлари, улар бир маромда, барқарор даромад олишнинг кафолати эканлиги хусусида тушунтириш ишлар бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар биржаси Евроосиё Бош ассамблеяси федерацияси Фонд биржасига аъзо бўлди. АҚШ, Германия, Туркия, Япония, Эрон мамлакатларининг биржалари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу соҳа мутахассислари Нью-Йорк, Франкфурт, Истамбул ва Токио шаҳарларининг етакчи Фонд биржаларида малака оширмоқдалар.

1997 йилда қимматли қоғозлар эмиссияси ҳажми 6.5 млрд. сўмни ташкил этди. Айни пайтда векселларнинг солиштирма салмоғи 73 фоизни, акциялар 23 фоизни ва бошқа қимматли қоғозлар 1 фоизни ташкил этди. 1998 йилда эса ҳисоб-китобларда вексель муомаласи тўхтатиб қўйилганлиги туфайли акцияларнинг солиштирма салмоғи бошқа қимматли қоғозларга қараганда сезиларли даражада ўсди.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕРРОРИЗМ: ПОСТАНОВКА ПРОБЛЕМЫ

Н.Ф. ТАШКЕНБАЕВА,
преподаватель УМЭД

Человечество вступило в XXI век, не только достигнув высочайшего уровня развития техники, технологии и культуры, но и унаследовав от прошлого немало требующих своего решения острых проблем. Одной из таких проблем является терроризм. Злодейские акции вандализма, совершенные в нашей республике 16 февраля 1998 г., взрывы на Каширском шоссе в городе Москве, акты в Чечне, в США 11 сентября и другие заставили весь мир задуматься над тем, что это страшное зло сегодня несет в себе смертельную угрозу самой человеческой цивилизации.

Терроризм - это насилие, содержащее в себе угрозу еще более жестокого насилия, для того, чтобы вызвать панику, нарушить и даже разрушить государственный и общественный порядок, внушить страх, заставить противника принять желаемое решение. Такое понимание терроризма применимо ко всем уровням его проявления, в том числе к международным отношениям. В последнем случае терроризм выступает в качестве международного преступления, борьба с которым ведется с помощью на-

ционального и межнационального законодательства. Во многих международных документах подчеркивается, что терроризм подрывает сложившуюся систему политических связей между странами и посягает на общечеловеческую мораль.

Превращение терроризма в явление международного характера обусловлено не только тем, что он располагает широко разветвленными по всему миру структурами, но прежде всего тем, что ныне не осталось ни одной страны, которая могла бы быть абсолютно уверенной в том, что не станет его мишенью. Стало ясно, что ни один человек, ни одно государство не могут оставаться в стороне от борьбы во имя искоренения этого зла, угрожающего всему человечеству. И уже более 100 государств мира выразили свою решительность и твердую позицию по данному вопросу.

При нынешней военной технике практически не имеет значения, далеко или близко находится какая-либо страна от очага терроризма, маленькая она или большая, люди каких национальностей в ней проживают и какую религию они исповедуют. Ибо терроризм - страшная язва на теле человечества - не знает границ, национальностей и религий, являясь заклятым врагом социального прогресса.

В современном мире, признающем самоценность, приоритет человека, личности, признаются также его права на свободу мысли, свободу исповедовать любую религию, либо не исповедовать никакой. Человек не выбирает себе расовую и этническую принадлежность, не может выбрать себе родителей, но мировоззренческий, нравственный, духовный выбор он может и должен сделать сам, без чьего-либо давления и тем более насилия.

Религия, являясь частью жизни общества, неизбежно соприкасалась, оказывала влияние и сама испытывала таковое со стороны других сфер общественной жизни. Не случайно поэтому большинство ныне существующих религиозных систем сформировалось в период социально-экономических, политических переломов, кризисов[1].

К сожалению, история человечества знает немало примеров, когда неотъемлемый элемент религиозного сознания - вера людей - использовалась не как созидающая, а как разрушительная сила, как фанатизм, самым характерным проявлением которого является яростная убежденность в истинности только своей конфессии и полная нетерпимость ко всем другим. Именно люди или группы людей, несущие заряд фанатизма, способны вызвать широкую волну дестабилизации в обществе, тем более, что элемент действия придает движению окраску «народного».

Ни одна религия не пытается давать какие-то определенные рекомендации по решению социально-экономических проблем. Призыв же религиозных фундаменталистов к возрождению условий, в которых существующие религии зарождались, вряд ли можно рассматривать как конструктивный и реальный.

Ислам, как одна из крупнейших мировых религий, не является исключением. События же, происходящие в мусульманском и не только в мусульманском мире в последние десятилетия, позволяют говорить о так называемом «исламском буме» в мировом сообществе.

Борьба антитеррористической коалиции не направлена против исламских государств, исламской религии, народа Афганистана или движения «Талибан», ее истинная цель заключается в полном уничтожении разрушительной машины терроризма во всем мире[2].

Террористы берут на вооружение также биологическое и химическое оружие - средства массового поражения людей, сельскохозяйственных животных и растений.

[1] Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Т., 1997. - С. 36.
[2] Заявление Каримова И.А. «Народное слово», 5.10.2001.

Например, действие биологического оружия основано на использовании болезнетворных микроорганизмов - бактерий, грибков, а также вырабатываемых некоторыми бактериями токсинов. Когда в токийском метро члены секты «АУМ сенрике» применили газ «зарин», погибло 12 человек; после недавних терактов в Нетании и Тель-Авиве биохимический анализ фрагментов костной ткани террористов-смертников, проведенный израильскими медиками, показал, что они были заражены вирусом гепатита «Б». В США зарегистрированы случаи заражения сибирской язвой. Исходя из доклада Пентагона, руководство военного ведомства США пришло к выводу, что американские военнослужащие нуждаются в новой вакцине против сибирской язвы, чумы, трех разновидностей конского энцефалита, туляремии, ботулизма, стафилококка и ряда других опасных болезней, которые могут быть вызваны химической и бактериологической атакой террористов. Правительство выделило на это более 3 млн. долларов[1].

Независимый Узбекистан, избрав 10 лет назад собственный путь развития, поставил перед собой благородную задачу - формирование справедливого, гуманного демократического общества и государства. Безальтернативным условием для достижения этой цели является мир и спокойствие как в нашем собственном доме, так и во всем мире.

Что значит национальная безопасность для Узбекистана?

